201V A
Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

O'zingni angla!

# HURRIYAT

Mustaqil gazeta

Gazeta 1996-yil dekabrdan chiqa boshlagan * Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru * www uzhurriyat.uz * 2019-yil 18-sentabr, chorshanba * № 31 (1143)

### ҚОДИРИЙГА МИННАТДОРЛИК



**XX аср ўзбек адабиёти пешонасига чинакам элпарвар уч нафар Абдулла исмли ижодкор битди. Бири Абдулла Қаҳҳор бўлса, улардан яна бири, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов "Маломат тошлари" номли шеърида:**

***Сарғайган саҳфалар аро қараб тек,***
***Қодирий қабрини сўрар Отабек...***

**дея армон қилган эди.**

➩ 3-бет

### КИМЁ КЕНГЛИКЛАРИГА ТАЛПИНГАН ЮРАК

**(Академик Тўлқин МИРКОМИЛОВ ёди)**



**Турфа соҳаларга қизиқиши билан Тўлқин Миркомилов ҳаётсевар кишилар сирасига кирарди. Олимнинг инсон камолоти адабиёт ва санъатга ошноликда деб билгани ва бунга қатъий амал қилгани эришган ютуқларига қанот бўлган, десак хато қилмаймиз.**

➩ 5-бет

Меҳринигор АБДУРАШИДОВА:

### ОИЛАМИЗДА ҲЕЧ КИМ САНЪАТКОР БЎЛИШИМНИ ИСТАМАГАН...



**— Дунёдаги нуфузли санъат фестивали ғолиби бўлганимдан чексиз ҳаяжон ва қувончдаман, — деди Гран-при соҳиби, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Меҳринигор Абдурашидова.**

➩ 6-бет

**• ЯНГИЛИКЛАР • ХАБАРЛАР • ВОҚЕАЛАР**

## Президент Россия делегациясини қабул қилди

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 16 сентябрь куни Россия Федерал Мажлисининг Давлат думаси раиси Вячеслав Володин бошчилигида мамлакатимизда расмий ташриф билан келган делегацияни қабул қилди.**

Давлатимиз раҳбари меҳмонларни самимий қутлар экан, олий даражадаги мунтазамлик касб этган самарали мулоқот Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги стратегик шериклик ва иттифоқчилик муносабатларига мутлақо янги суръат бағишлаши, уларни аниқ мазмун билан бойитишга хизмат қилишини катта мамнуният билан қайд этди.

Учрашувда мамлакатларимиз ўртасида сиёсий мулоқотни янада ривожлантириш, савдо-иқтисодий, инвестициявий, транспорт-коммуникация, илмий-техник, таълим, маданий-гуманитар ва бошқа соҳаларда амалий ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан фикр алмашилди.

## Тошкент кўчаларида электробус

**Бундан бир неча муддат аввал БМТнинг ривожланиш лойиҳаси ҳамкорлигида Тошкент шаҳар ҳокимлиги, "Тошшаҳартрансхизмат" АЖ ҳамда Ўзбекистон Республикаси экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси ҳамкорлигида Глобал экологик фонд орқали пойтахт жамоат транспорти таркибига электробусларни олиб келиш бўйича лойиҳа юзасидан иш бошланган эди.**

Мазкур лойиҳа БМТ томонидан тасдиқланди ва лойиҳа олди ишлар учун бюджет ва экспертлар гуруҳи шакллантирилди. Айтиш жоизки, ушбу лойиҳа МДҲ давлатлари орасида фақат Ўзбекистон ва Украина учун тасдиқдан ўтди.

Жорий йилнинг 16 сентябрида "Тошшаҳартрансхизмат" АЖда БМТнинг эксперт консультантлари Роналд Вонг ҳамда Томас Финк билан учрашув бўлиб ўтди. Унда лойиҳани амалга ошириш бўйича дастлабки музокаралар олиб борилиб, ишчи гуруҳи тузилди. Ўзбекистон учун электробуслар лойиҳаси учун 4 миллион АҚШ доллари бюджет ажратилиши кўзда тутилгани айтиб ўтилди. Халқаро ташкилот вакилларидан иборат ишчи гуруҳи келаси ҳафтадан "Тошшаҳартрансхизмат" АЖда фаолият олиб боради.

## Хоразмда Малайзия университети филиали очилади

**Малайзиянинг Путражая шаҳрида мамлакат бош вазири Махатхир Муҳаммад иштирокида Binary бошқарув ва тадбиркорлик университетининг 35 йиллигига бағишланган тантанали қабул бўлиб ўтди.**

Қабул чоғидаги чиқишида университет ректори Жозеф Адайкалам бош вазир ва меҳмонларга Тошкент молия институти базасида қўшма факультет очилганини маълум қилди. Бу ердаги таҳсил якунланганидан сўнг битирувчиларга икки ОТМнинг тегишли дипломи берилади.

Бундан ташқари, Хоразм вилоятида университет филиали очилиши лойиҳасини муҳокама қилиш учун 27 сентябрь — 4 октябрь кунлари олий ўқув юрти делегацияси Ўзбекистонга сафар қилишини билдирди.

Мамлакатимиз фуқаролари Binary университети магистратурасида ўқиши учун суммаси 100 минг долларга тенг 10 та таълим гранти ажратилиши кўзда тутилмоқда.

## Фармацевтика маҳсулотлари кўпаяди

**13-14 сентябрь кунлари Наманган шаҳрида "XXI асрда тиббиёт ва фармацевтиканинг ривожланишида инвестиция ва инновациянинг роли" мавзуидаги Халқаро тиббиёт ва фармацевтика форуми ўтказилди.**

Унда Австрия, Германия, Исроил, Миср, Покистон, Россия, Словакия, Украина, Ҳиндистон ва Хитойнинг етакчи компаниялари билан умумий қиймати 92,7 млн. долларлик 22 та муҳим келишувга эришилди ва битимлар имзоланди.

Шу асосида "Косонсой фарм" эркин иқтисодий зонасида фаолият юритувчи "Спринг фармацевтик" МЧЖ ҳамда Миср Араб Республикасининг "Pharco pharmaceuticals corporation" компанияси ҳамкорлигида 30 млн. долларлик фармацевтика маҳсулотлари ишлаб чиқарилиши режалаштирилмоқда.

## 100 та оилавий боғча

**Жорий йилда Самарқанд вилояти Ургут туманида 100 та оилавий боғча очилиши кутиляпти. Бугун уларнинг сони 78 тани ташкил этади.**

— Боғча очиш истагини билдираётганлар кўпаймоқда, — дейди туман мактабгача таълим бўлим мудири Хилола Бобоева. — Туманда ҳозирги пайтда 3-7 ёшгача бўлган болалар 45 800 нафарга етди. 123 та мактабгача таълим муассасаси фаолияти йўлга қўйилган бўлиб, уларга 8800 нафардан ортиқ бола қамраб олинган. Йил охиригача юзтага етади.

**Ўз мухбирларимиз.**

Халқимиз азалдан ўз касбининг чинакам фидойиси бўлган моҳир ҳунармандларни "уста" ва "устазода" деган номлар билан улуғлаб, эъзозлаб келади.

Шу ўринда буюк мутафаккир Баҳоуддин Нақшбанд бобомизнинг **"Ҳунар шундай тулпорки, унга минган киши албатта ҳурмат-эътибор топгай ва саодат манзилига етгай"**, деган ҳикматли сўзларини эслаб ўтишни жоиз, деб биламан.

Келгуси йили таваллудининг 700 йиллиги нишонланадиган бу табаррук зот нафақат азиз-авлиё, аввало, ўзлари ҳам етук ҳунарманд, аҳли ҳунарнинг пири бўлганлар. Бу улуғ сиймонинг **"Дилинг — Оллоҳда, қўлинг — меҳнатда бўлсин"** деган эзгу даъватига амал қилиб, юртимиздаги минг-минг ҳунармандлар ўзларининг машаққатли, ҳалол меҳнати, инсоний фазилатлари билан халқимизга, ёшларимизга ибрат ва намуна бўлиб келмоқдалар.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг жорий йил 14 сентябрда Қўқон шаҳрида Биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивалининг тантанали очилиш маросимидаги нутқидан.**



# Қўқон — "Жаҳон ҳунармандлар шаҳри"

Фарғона вилояти Қўқон шаҳрида ўтган биринчи Халқаро ҳунармандчилик фестивали қизғин кечди.

Бунда Президентимизнинг 2018 йил 1 ноябрдаги "Халқаро ҳунармандчилик фестивалини ўтказиш тўғрисида"ги қарори дастуриламал бўлди.

Фестивалда дунёнинг 78 та давлатидан 370 дан зиёд моҳир ҳунарманд, таниқли маданият арбоблари, санъатшунос олимлар, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этдилар.

3 ➔

**» Бизнинг суҳбат**



Борий АЛИХОНОВ:

## Халқ манфаатини кўзлаганлар комил инсонлардир

**Маълумки, бу йил юртимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Халқ депутатлари маҳаллий кенгашларга сайловлар бўлиб ўтади. Бу албатта, катта сиёсий тадбир. Таъбир жоиз бўлса бу — мамлакатимиздаги барча сиёсий партиялар учун Халқимиз олдидаги яна бир синов, имтиҳон вазифасини ўтайди десак хато бўлмайди.**

**Албатта, газетамизда жорий йил охирида бўлиб ўтадиган ана шу сайловларга кўрилаётган тайёргарлик, унинг шаффоф ва адолатли руҳда ўтиши, ҳар бир сиёсий партияларнинг бу жараёнда иштироки, ўрни хусусида таҳлилий мақолалар, суҳбатлар эълон қилиш ниятидамиз.**

**Шу боис, мухбиримиз дастлаб республикамиздаги энг ёш, яъни жорий йилда сиёсий партия сифатида давлат рўйхатидан ўтган, бешинчи партия — Ўзбекистон Экологик партияси раҳбари, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси спикери ўринбосари Борий АЛИХОНОВ билан суҳбатлашди.**

2 ➔

**» Эътироф**

"Forbes" журналининг электрон нашрида халқаро молиявий шарҳловчи Райнер Майкл Прейсснинг Ўзбекистонга бағишланган мақоласи эълон қилинди.

## "Forbes": Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланаётган давлатларидан бирига айланди




Р.Прейсснинг таъкидлашича, Ўзбекистон инвестиция фаолияти бўйича жаҳонда энг яхши намуна бўлиши мумкин. "Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистон дунёнинг жадал ривожланаётган давлатлари қаторига қўшилди. Бор-йўғи икки йил ичида мамлакат ўз қобиғига ўралган тизимдан воз кечиб, эркин бозор тамойилларига асосланган ва қиймати 50 миллиард долларга тенг иқтисодиётга эга давлатга айланди.

2 ➔

Борий АЛИХОНОВ:

# Халқ манфаатини кўзлаганлар комил инсонлардир

1

**— Депутат — халқ вакили, улуғ мартаба. Чунки одамлар ишониб овоз беришган, сайлашган. Уларнинг ишончини оқлаш, сайловчилар томонидан бўладиган мурожаатларни ўрганиш, имкон қадар ижобий ҳал қилиш бу жуда катта масъулият. Шундай эмасми?**

— Ҳақсиз. Депутат — халқнинг ишонган вакили. Очиғи, депутат сиёсатчи ҳам бўлиши керак. Депутатлик шараф, унинг ортида жамиятга хизмат қилишдек улкан масъулият ҳам мужассам. Биргина оилангизни кўз олдингизга келтиринг, унда ота-она, бобобуви ва ака-сингилларнинг ишончини бирдек қозониш қанчалик мушкул. Минглаб сайловчиларнинг ишончини оқлаш учун эса депутат ўз манфаатларидан ортиб, халқ манфаатлари йўлида хизмат қилиши керак.

Юрт манфаатини кўзлаб йўлга чиққанларни комил инсон деб атагим келади. Бугунги жамият уч йил олдинги жамият эмас. Таққослаб айтадиган бўлсак, уч йил олдин йилига юзлаб мурожаатлар келган бўлса, эндиликда минглаб мурожаатлар келмоқда. Айримлари қайта-қайта келадики, демак бунда депутат мурожаатчининг муаммосини охирига етказмаган ёки муаммо бутунлай ечимини топмаган. Халқ бугун раҳбарлардан аниқ, жўяли ва натижали ишларни кутмоқда.

Муҳтарам Юртбошимиз таъкидлаганларидек, Халқ давлат органларига эмас, давлат органлари халққа хизмат қилишини ўрганмоқдамиз. Бу бизнинг зиммамизга ҳар ишга масъулият билан ёндашишимизни юкламоқда.

**— Мурожаатларни шахсан ўзингиз ўрганасизми?**

— Албатта. Олий Мажлис Қонунчилик палатасида мурожаатлар билан ишлаш шўъбамиз бор. Ҳар куни мурожаатлар билан танишамиз. Ўтган йили Бухоро вилоятида 5 ой давомида аҳоли мурожаати билан ишладик. Вилоятнинг туманларида бўлиб, аҳолидан шахсан ўзим мурожаатларни қабул қилдим ва тегишли вазирлик ва идоралар билан ҳамкорликда ҳал этдик. Нафақат экологик муаммоларни, балки ижтимий-иқтисодий муаммоларга ҳам ечим қидирдик. Ҳар куни шахсан ўзим 15-20 тага яқин мурожаатларни қабул қилиб, ўргандим. Беш ой давомида 1000дан зиёд фуқаронинг муаммоси тегишли идоралар билан ижобий ҳал этилди. Халқ билан мулоқот бу фақатгина аҳоли билан салом-алик қилиб, сўрашиш эмас, балки уларнинг дардини эшитиш, тушуна билиш, ҳар бир мурожаатнинг моҳиятига ета билиш ҳамдир. Қолаверса, бу бизнинг олдимизда турган инсонийлик бурчимиздир.

**— Фуқаролар энг кўп қайси муаммога дуч келмоқда?**

— Вилоятларда, биринчи навбатда, тоза ва сифатли ичимлик суви муаммо. Қолаверса, йўл, канализация, ободонлаштириш борасида ҳам камчиликлар етарли. Кўп йиллар давомида чекка ҳудудларда ижтимоий масалаларга урғу берилмаган ва бунинг оқибатида талай муаммолар йиғилган. Бизга мурожаат қилган фуқароларнинг дарди улкан музликнинг сув юзига қалқиб чиққан биргина парчасидир. Бу мавзуларга бир неча бор қайтиб, аҳоли дардини қайта-қайта эшитишимиз даркор.

**— Борий Ботирович, маълумки, қонунлар қабул қилишда, уни ишлаб чиқиш ҳам депутатларнинг тинимсиз ва самарали меҳнат қилишини талаб этади. Бу жараён Олий Мажлисда қай тарзда кечади?**

— Қонунларни ишлаб чиқиш жараёни қабул қилиш босқичлари олдингидан анча мураккаблашган десам муболаға бўлмайди. Нимага деганда, муҳтарам Юртбошимиз томонидан бизга аниқ вазифалар қўйилди. Қонуности ҳужжатлар билан эмас, қонунлар тўғридан-тўғри ишлашини тартибга солиш масаласини ҳал этишимиз лозим. Қолаверса, депутатларнинг савияси ҳам ўсди, талабчанлиги ортди. Илғор мамлакатларнинг қонунчилик амалиётини ўргандик ва ўзимизга ҳам жорий этмоқдамиз. Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Экоҳаракат депутатлари гуруҳи аъзоларининг қонунчилик ташаббуси асосида 21 та қонун ишлаб чиқилди. Атмосфера ҳавосини, сув, ҳайвонот, ўсимлик ресурсларини муҳофаза қилиш, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиш бўйича ишлаган қонун ҳужжатларимиз Олий Мажлисда маъқулланди ва Президентимиз томонидан имзоланди.



**— Ўзингизга маълум, яқин келажакда АЭСнинг Ўзбекистонда қурилиши кўплаб муҳокамаларга сабаб бўлди. Жумладан, мамлакатга экологик хавф туғдирмайдими деган эътирозли саволлар ҳам бўлди. Албатта, Сиз бу борада матбуотда ўз муносабатингизни қатъий билдирдингиз.**

— Ушбу йўналиш бўйича депутат ва қолаверса, мутахассис сифатида жавоб берадиган бўлсам, АЭС бугунги кунда энг ривожланган давлатларда қурилган. Дунёнинг 32 та технологик илғор мамлакатида 193 та атом электр станцияси ўз фаолиятини юритмоқда. Уларда 450 дан зиёд реакторлар ишламоқда. Бутунжаҳон электр энергиясининг 22 фоизи айнан АЭСлар ҳисобига тўғри келади. Хўш, энди Ўзбекистонда АЭС қурилишини холисона кўриб чиқайлик.

Саноат корхоналарининг сафи кенгайиб, электр энергиясига бўлган талабимиз йилдан-йилга ошиб бормоқда. Ўзбекистонда бир йилда 64 млрд.квт. соат электр энергияси ишлаб чиқарилади, аммо йилига эҳтиёжларимиз учун 69 млрд.квт. соат электр энергияси зарур бўлмоқда. Бундан кўриниб турибдики, 5 млрд.квт. соат электр энергия ҳажмда танқислик юзага келмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, 2030 йилга келиб электр энергиясига бўлган талабимиз йилига 114 млрд.квт. соатга етади. Бу ҳозиргидан қарийб икки баробар кўп дегани. Хўш, ушбу масалани қандай ечиш мумкин? Сизга юртимизда АЭС қурилишининг фақатгина учта фойдали томонларини айтиб ўтаман.

Биринчидан, иқтисодий жиҳатдан оладиган бўлсак, энергияни анъанавий усулда олишдан кўра, АЭСдан олинадиган электр энергия биз учун икки баробар арзон тушади. Бу иқтисодимиз учун катта кўрсаткич, сабаби энергияни иссиқликдан олиш учун кўп миқдорда газ ва бошқа суюқ ҳамда қаттиқ углеводородларни ёқишга, ташишга тўғри келади. АЭС эса бизга кўпгина харажатларни қисқартиради. Мисол учун, бизда ҳозирги вақтда 86 фоиз электр энергияси иссиқлик манбалари, яъни газ ва бошқа углеводородларни ёқиш орқали, 14 фоизи эса ГЭСлардан олинмоқда. Бир йил давомида ҳар бир иссиқлик электр станцияси учун ўрта ҳисобда 2-5 млн. тонна углеводород ёқилғиси талаб этилади. Ёқилғини ташиб келиш ва умуман, йўл харажатлари учун таннархга қўшимча 50 фоизгача кўтарилади. Электр энергияси олиш учун Ўзбекистонда йилига жами 16 млрд. метр куб газ ёқилади. Газ заҳираларимиз ҳам чегараланган. Атом электр энергияси билан қиёсланса, бунда тахминан 30 тоннагача ёқилғи талаб этилади холос ва бу деярли қўшимча харажатларни талаб этмайди.

Иккинчидан, лойиҳа афзаллигини ижтимоий жиҳатидан кўриб чиқадиган бўлсак, АЭСни қуриш жараёнида 8 мингга яқин ишчилар жалб қилинади. АЭС ишга туширилганидан сўнг мазкур объектда 2,5 мингдан зиёд юқори малакали муҳандислар, мутахассислар, ишчи ва хизматчилар фаолият юритади. Боз устига атом электр станцияси фаолияти билан боғлиқ бошқа тармоқларда атом энергиясида ҳосил қилинган ҳар 1 та иш ўрнида бошқа тармоқларда қўшимча 7 та янги иш ўрни яратилади.

Учинчидан, ушбу объект қурилишига экологик нуқтаи назардан қарайдиган бўлсак, анъанавий углеводород ёқилғидан фойдаланадиган электр станцияларга нисбатан АЭС йилига ўртача атмосфера ҳавосига 14 млн. тонна зарарли углерод оксиди ва 70 минг тонна азот оксидларини чиқарилишининг олди олинади. Бундан ташқари, сувдан айланма тизим орқали фойдаланилади, чиқиндилар деярли ҳосил бўлмайди. Умуман, атом электр станциясининг технологик салоҳиятини қиёслайдиган бўлсак, ушбу технология космик саноати технологияларидан кам эмас. Шу билан бирга, мамлакатимизнинг интеллектуал технологик салоҳиятини бир неча юксак сифат поғонасига кўтаради.

Яна бир воқелик. Мана, куни кеча "Атом энергиясидан тинчлик мақсадларда фойдаланиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонунни ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси депутатларининг бевосита иштироки ва ҳиссаси бор албатта. Биз мазкур соҳадаги дунё амалиётини, ҳуқуқий хорижий тажрибани ўрганиб таҳлил қилдик ва ушбу қонун нормаларига имплементация қилишга ҳаракат қилдик. Шу ўринда яна бир фактни айтиб ўтиш жоизки, ушбу қонун лойиҳасига МАГАТЭнинг ижобий хулосаси олинган. Ундан ташқари, атом электр станцияларнинг хавфсизлик тизимларини бевосита ўрганиш мақсадида Қонунчилик палатасининг бир гуруҳ депутатлари Россиянинг "Нововоронеж", Япониянинг "Токай" ва Венгриянинг "Пакш" атом электр станцияларига ташриф буюриб уларнинг фаолияти билан танишдилар. Мазкур мамлакатларнинг ушбу соҳадаги ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларини таҳлил қилдилар.

**— Йил бошида раҳбарлигингиздаги Ўзбекистон Экологик ҳаракати сиёсий партияга айланди. Партиянинг асосий мақсад ва вазифалари нималардан иборат?**

— Табиатга бўлган эҳтиром жамиятимиздаги инсонларнинг қон-қонгига сингиб кетган. Айниқса, ота-боболаримиз табиатни асраш борасида бизга кўп таълим берган. Ҳозирги ёшлар орасида ҳам экологик маданиятни шакллантириш, барқарор экологик муҳитни яратиш мақсадида Экологик ҳаракатни партияга трансформация қилишга қарор қилдик. Бунинг ўзига хос сабаблари борки, батафсил гапириб беришга ҳаракат қиламан. Юртбошимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев БМТ бош Ассамблеясининг 72-сессиясида нутқ сўзлаб, Орол муаммосига ҳам тўхталиб ўтдилар. Нутқдан дунё нигоҳи яна Оролга қаратилди. Бутун дунё бўйича глобал экологик муаммо тилга олинди. Қуриган денгизимизни инсониятнинг энг катта экологик фожиаси деб айта оламан. Сабаби дунё яралганидан бери ҳали ҳеч қачон бир авлод кўз ўнгида жаҳонда тўртинчи ўринда турадиган денгиз қуриб қолмаган.

Энди Экоҳаракатнинг партияга айланганига тўхталадиган бўлсак, 15 кишилик депутат билан биз кўзлаган мақсадимизга тўлақонли етиша олмасдик. Қонунчилик палатасида гуруҳимиз бўлгани билан, туман ва вилоятларда бизнинг ваколатли депутатларимиз бўлмаган. Партияга айланишимиз бизнинг маҳаллий ваколатли органларда вакилларимизни шакллантиришга асос бўлди. Жойларга чиқиб муаммоларни ўргандик. Ҳаракатдан партияга ўтганимиз юқорида саналган имкониятларимиздан ташқари, моддий техник базамизни шаклланишига ҳам кўмак берди. Партиямизга 7 ой ичида 247 мингдан зиёд аъзолар қабул қилинди. Партиянинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳудудий партия ташкилотлари ҳамда 201 та туман ва шаҳарларда партия бўлимлари ташкил этилиб, жамоатчилик асосида фаолияти йўлга қўйилди, бошланғич партия ташкилотлари сони 1000тадан ошди.

Бугунги кунда партиямиз аниқ дастур асосида иш олиб бормоқда. Ўзбекистон Экологик партияси сиёсий куч бўлиб, майдонга кириб келди. Эндиликда партия мамлакат сиёсий майдонининг тенг ҳуқуқли аъзоси сифатида ўз олдига вакиллик органларида ўринлар эгаллаш вазифаларини қўйиб, ўрин олгач, парламентда ўзининг мақсадларини давлат сиёсати даражасида илгари суради.

**— Ўзбекистон Экологик партиясининг асосий сайловолди дастурига нималар киритилган?**

— Дастуримиз тайёр ва биз буни муҳокамаларга ҳам қўйдик. Бизнингча, биринчи навбатда, ҳар бир сиёсий ташкилот, яъни сиёсий партия учта асосий тамойилга таяниб иш кўриши лозим.

1. Халқ дардини ўз дардидек қабул қила оладиган, инновацион ғоя ва таклифлар билан чиқиб худди шу таклифларни қўллаб-қувватлаши.

2. Партия атрофида фидойи, малакали ўз йўналиши бўйича билими юқори ва иродаси метиндек соҳа мутахассислари бўлиши.

3. Сўз ва амал бирлиги мужассамлиги лозим. Берган ваъдасига ўзи амал қилса, шундагина одамларни ортидан эргаштира олади. Агар сиёсий ташкилот ўз олдига мана шу учта тамойилни қўймас экан, унинг келажаги узоққа бормайди.

**— Ривожланган давлатларга монанд «яшил иқтисодиёт», «яшил шаҳар» деган тушунчалар кириб келяпти бизга. Бутун дунёда экологияга фойдаси бор ҳар қандай ташаббус илгари сурилиб, амалда қўлланилмоқда. Бизда қанақа?**

— Бизнинг дастур айнан "Яшил иқтисодиёт" ва "Яшил шаҳар"га ўтишни қўллаб-қувватлайди. Бутун дунё бўйича 90 дан зиёд "Яшиллар" ёки бошқача айтганда, Экологик партияларнинг иш услубини, тарихини, тажрибасини ўргандик. Ўзимизга тегишли хулосаларни олдик. Муҳтарам Президентимиз Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг саммитида биринчилардан бўлиб, "Яшил белбоғ", "Ақлли қишлоқ" хўжалигини ташкил этиш борасида ўз таклифларини билдирди. Бошқа мамлакатлардан аввалроқ бу ташаббусни ўзимиз амалга оширсак, мақсадга мувофиқ бўларди.

Партиямиз "Яшил иқтисодиёт"га ўтиш мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг муҳим омили деб ҳисоблайди. Бунинг афзалликлари — иқтисодиётнинг барча тармоқларида қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланиши, экологик тоза ва хавфсиз, ресурс тежовчи, тежамкор технологияларни татбиқ этишни рағбатлантириши ҳамда муҳофаза этиладиган табиий ҳудудларни кенгайтириш ва уларни бошқариш тизимини такомиллаштириш орқали биохилмахилликни сақлашга кўмаклашиши билан ҳам манфаатлидир.

**Феруза РАҲИМОВА**
суҳбатлашди.

"Forbes":

# ЎЗБЕКИСТОН

## дунёнинг жадал ривожланаётган давлатларидан бирига айланди

1

Ўзбекистон иқтисодиёти сармоядорлар диққат эътиборини тортмоқда. Президент валюта сиёсатини ўзгартирди, капитал устидан назоратни бекор қилди ва хусусийлаштириш кампаниясини бошлаб юборди. Мамлакат иқтисодиёти мазкур ислоҳотлар самарасида 2018 йил 6 фоизга ўсди. Халқаро валюта жамғармаси яқин бир неча йил давомида Ўзбекистонда ўсиш суръати 8 фоизга тенг бўлишини башорат қилмоқда. 2019 йилнинг биринчи ярмида тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар миқдори ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тўрт баробар ошди, 2018 йил якуни бўйича мамлакатга келаётган туристлар сони икки марта кўпайди", деб ёзади шарҳловчи.

Ғарбдаги мамлакатларнинг катта қисми заёмларга жуда ҳам боғланиб қолган бир вазиятда Ўзбекистоннинг давлат қарзи ялпи ички маҳсулотга нисбатан 19,8 фоизни ташкил қилмоқда. Жорий йил февраль ойида мамлакат халқаро бозорда биринчи марта 1 миллиард долларлик еврооблигацияларни сотди. Республика халқаро рейтингларда S&P Global Ratings ва Fitch Ratings томонидан BB-даражада баҳоланган.

Мақола муаллифи "Mobius Capital Partners" инвестиция жамғармаси асосчиси М.Мобиуснинг дунё молия бозорлари Ўзбекистоннинг кредит рейтингини ижобий баҳолаётгани ҳақидаги фикрларини келтириб ўтган. Мамлакат инвесторлар учун жозибадордир, чунки унинг табиий бойликлари беқиёс ва пахта экспорти бўйича дунёда етакчи ўринлардан бирини муқим эгаллаб турибди.

Ўзбекистон банк сектори сармоядорлар томонидан бизнес юритиш учун истиқболли йўналишлардан бири сифатида кўрилмоқда. Мамлакат аҳолисининг катта қисми шу пайтгача банк хизматидан фаол фойдаланмай келган. Бироқ яқинда қабул қилинган янги қонунга биноан ойлик иш маошини тўлаш жараёни банкдаги ҳисоб-рақамга боғланадиган бўлди. Бу эса соҳадаги вазиятни кескин ўзгартириши мумкин, деб ҳисоблайди мақола муаллифи.

Материалда Ўзбекистон тараққиёти учун имкониятлар сероблиги алоҳида таъкидланган. Бунда 33 миллионлик аҳолининг 64 фоизи 35 ёшгача бўлган ёшлар эканига эътибор қаратилган. Мамлакат Марказий Осиё минтақасига ўзига хос кўприк бўлиб ҳам хизмат қилади, зеро у Қозоғистон, Тожикистон, Қирғизистон, Туркманистон ва Афғонистон билан чегарадошдир.

"Мамлакат раҳбарияти изчил индустриализация сиёсати юритмоқда. Масалан, бугунги кунда Жанубий Корея ва Хитой компаниялари билан электромобиллар ва ички ёниш двигателли автомобиллар ишлаб чиқариш бўйича лойиҳалар устида иш олиб борилмоқда. 2018 йил декабрь ойида Хитой, Жанубий Корея, Япония ва Россиядан Шўртан газ-кимё мажмуасини модернизация қилиш учун 2,3 миллиард доллар миқдорида инвестиция жалб қилинди", деб ёзади сингапурлик тадқиқотчи.

Мақолада Ўзбекистон қадимий Ипак йўлининг бир қисми ҳисобланмиш Самарқанд ва Тошкент шаҳарлари билан машҳурлиги таъкидланган. 344 километрлик юқори тезликдаги темир йўл билан боғланган ушбу шаҳарлар жаҳон савдо-сотиқ жараёнида муҳим роль ўйнайди. Бугун Тошкентда қиймати 1,7 миллиард долларга тенг тадбиркорлик хаби яратиш бўйича йирик лойиҳа ҳаётга тадбиқ этилмоқда. Унга кўра 70 гектарлик майдонда бизнес марказлари, савдо мажмуалари, ресторанлар, маданият маркази, турар-жой апартаментлари қад ростламоқда.

Р.Прейсс мақола якунида AFC Uzbekistan Fund жамғармаси ижрочи директори "Хорижлик сармоядорлар Ўзбекистонда амалга оширилаётган ўзгаришлар аҳамиятини англаб етадиган вақт келмоқда", деган сўзларини келтирган.

Материал муаллифи Сингапурдаги "Taurus Family office" компаниясининг ижрочи директоридир. У блокчейн, криптовалюта, жамғармаларни бошқариш, инвестицияларни тадқиқ қилиш, савдо-сотиқ ва сармоялар киритиш масалаларига ихтисослашган.

**Садриддин СУЯРОВ,**
**"Дунё" ахборот агентлиги директори вазифасини бажарувчиси.**

# Суд-ҳуқуқ ислоҳотлари ва матбуот

Аҳолини суд-ҳуқуқ соҳасидаги ислоҳотлардан хабардор этишда, ҳуқуқий маданиятини оширишда ОАВнинг ўзига хос ўрни бор.

Шу нуқтаи назардан, ОАВ ходимларининг мазкур йўналишдаги билимларини ошириш, масалага ёндашиш йўлларини биргаликда ҳал этиш масаласи юзасидан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази ЮСАИД халқаро ташкилоти билан ҳамкорликда семинар-тренинг ташкил этди.

— Мазкур тренингда суд-ҳуқуқ соҳасида фаолият кўрсатаётган журналистлар билан фикр алмашиш, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш икки томон учун ҳам манфаатли бўлади. Мавжуд муаммоларнинг ечимини топишда журналистларнинг хизмати, яқиндан кўмак кўрсатиши муҳим аҳамиятга эга, — деди Журналистларни қайта тайёрлаш маркази директори Гулнора Бобожонова.

Семинар доирасида тренерлар Ё.Маматова, Б.Алимов ва ЮСАИД халқаро ташкилоти мутахассиси Р.Назаровалар таҳлилий ва интерактив услубларда маҳорат дарсларини ўтишди.

**Ҳидоят ЖЎРАЕВА.**

# Қўқон — “Жаҳон ҳунармандлар шаҳри”

1

Халқаро ҳунармандчилик фестивалига мезбонлик қилган Қўқон шаҳри ўзининг нафис санъати, машҳур ҳунармандчилик мактаби ва адабий муҳити, маърифат ва юксак маънавияти билан ном қозонган. Бу ерда яратилган санъат дурдоналари нафақат халқимизнинг, балки умумжаҳон мулкига айланиб улгурган.

Қўқон шаҳар марказидаги Худоёрхон Ўрдаси майдони фестиваль кунлари ҳар доимгидан гавжум бўлди. Меҳмонлар учун тарихий зиёратгоҳлар бўйлаб сайёҳатлар уюштирилди. Ҳунармандчилик ва миллий либослар кўргазмалари, бадиий ва ҳужжатли фильмлар томошалари, китоблар, альбом ва фотосуратлар савдолари, аския ва қизиқчилар, фольклор ва дорбозлик жамоалари, полвонлар чиқишлари халқимизнинг асрлар мобайнида сайқалланиб келаётган қадриятларини бутун дунёга тараннум этди.

Фестиваль доирасида “Ҳунармандчилик ва халқ амалий санъати истиқболларига” бағишланган халқаро илмий-амалий конференцияда 26 мамлакатдан 36 нафар олим ва тадқиқотчи иштирок этди. Конференция якунида “Халқ амалий санъати ва ҳунармандчиликни ривожлантириш бўйича Қўқон резолюцияси” имзоланди.

Юртбошимиз таъкидлаганидек, ҳунармандчиликнинг пайдо бўлиши дунё цивилизацияси ривожида энг муҳим ва тарихий қадам экани яна бир карра исботини топди. Ҳунар барча халқлар ҳаётида муҳим ўрин эгаллагани боис ушбу тантана нафақат ўзбек халқи, балки бутун дунё санъат вакилларига илҳом берувчи манба бўлди, дея баралла айтиш мумкин.

Қўқон шаҳрига Жаҳон ҳунармандлар шаҳри мақоми берилиши ҳам ушбу амалий ҳаракатларнинг натижасидир. Ушбу унвон 2014 йилда таъсис этилиб, шу кунгача дунёдаги 36 шаҳар сазовор бўлган. Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги мамлакатлари орасида биринчи бўлиб Қўқон шаҳрига берилгани, албатта, ҳар бир юртдошимиз қалбида чексиз фахр-ифтихор уйғотади.

Энг муҳими, фестиваль мезбону меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Буни улар билдираётган фикр-мулоҳазаларидан ҳам яққол кўриш мумкин.

**Нарина ХАЧАТУРЯН,**
**Арманистон Республикаси таълим, фан, маданият ва спорт вазирининг ўринбосари:**

— Бундай нуфузли анжуманлар, халқаро фестиваллар қўшни республикалар, узоқ-яқин хориж давлатлари билан дўстлик ришталарини боғлабгина қолмай, савдо-иқтисодий, ижтимоий-гуманитар алоқаларни янада мустаҳкамлаш, туризм салоҳиятини ривожлантиришга ҳам хизмат қилади.

Ўзбекистон ҳақида ҳар гал тўлқинланиб гапираман. Меҳмондўст халқ, бетакрор об-ҳавоси, турли ноз-неъматлари қаторида ҳунармандчилиги, миллий қадриятларини ҳам алоҳида эътироф этаман. Кўп юртларда бўлганман, аммо сизнинг диёрингиз ва ширинсухан одамларингизга ўхшашини асло учратмаганман.

**Акмал МИРЗАМУҲАММАД,**
**ҳунарманд, Покистон:**

— Қўқон шаҳрида ўтказилаётган Халқаро ҳунармандлар фестивалининг тантанали тадбирида иштирок этганимдан қувончларим чексиз. Бунақа жозибадор фестивални кўрмаганман. Миллий мақом қўшиқлари юрагимдан жой олди. Лапарлар ҳам ўзига хос ва менга жуда манзур бўлди. “Фарғона тонг отгунча” қўшиғини иштирокчилар биргаликда куйлаши эътиборимни тортди. Бу қўшиқ мамлакатингиз санъатининг миллий брендига айланиб улгурибди. Саҳна икки четида дастур якунига қадар моҳир усталар томонидан икки пешайвоннинг тез ва сифатли битирилишидан, тўғриси, лол қолдим.

**Муҳайё ЖЎРАЕВА,**
**“Ҳунарманд” уюшмаси Сурхондарё вилояти бўлими раҳбари:**

— Биз ҳам ушбу фестивалда улуғ аждодларимиз, Сурхондарёнинг тарихий кўринишлари, вилоятимиз ҳунармандчилигининг ўзига хос жиҳатлари бўйича саҳна асарларини намойиш этамиз.

Халқаро ҳунармандлар фестивали доирасида кўрик-танлов ҳам ўтказилди. Унда ҳорижий давлатлардан келган ҳунармандлар ўзларининг 30 дан ортиқ йўналишдаги ижодий ишларини тақдим этди. Маҳаллий ва хорижий давлатлардан тузилган 7 нафардан иборат нуфузли ҳакамлар ҳайъати холислик билан ғолибларни аниқлади. Саккизта номинация бўйича, жумладан: “Энг яхши ҳунарманд” номинацияси бўйича биринчи ўрин (7 000 доллар)ни Муҳаммадали Юнусов (Ўзбекистон), иккинчи ўрин (5 000 доллар)га Суфион Катри (Ҳиндистон) сазовор бўлди, учинчи ўрин (3 000 доллар)га Алишер Нарзуллаев (Ўзбекистон) муносиб деб топилди. Шунингдек, “Энг ёш ҳунарманд”, “Энг яхши ҳунармандчилик мактаби устаси”, “Қадимий сулола давомчиси”, “Қадимий ҳунармандчилик турини тиклаган ҳунарманд”, “Энг фаол ҳунарманд” номинацияси ғолиблари ҳам аниқланди.

2021 йилда халқаро фестиваль иккинчи бор ўтказилишини маълум қилган тадбир ташкилотчилари фестивални юқори савияда ташкил этиш ва ўтказишга яқиндан ёрдам берган ЮНЕСКОнинг юқори мартабали вакилларига, Жаҳон ҳунармандлар кенгашининг Осиё-Тинч океани, Америка ва Африка минтақалари бўйича раҳбарларига, хорижий ва маҳаллий ҳунармандлар ҳамда барча ижодий жамоаларга миннатдорлик билдирди.

**Меҳризода ҲУСАНОВА.**

**» Талқин**

Абдулла Қодирийнинг садоқатли ўғли Ҳабибулла Қодирий анча-мунча қисқартиришлар билан чоп этилган “Отамдан хотира” китобининг (унинг тўлиқ нусхасини ўқиш имкони менда бўлган эди Р.Қ.) 348-саҳифасида ғоят рамзий мазмунга эга қуйидаги воқеани тасвирлайди:

# Қодирийга миннатдорлик

*“– Бугун бир бемаза туш кўрдим, Ҳабибулла...*

*– Қанақа туш, ада? – дедим секин ва негадир бир нарса сезгандай сесканиб қўйдим.*

*– Тун эмиш, – дедилар дадам, – осмонда тилла жабдуқли от устида учиб борар эмишман. Кўкда юлдузлар чарақлар, от жабдуқига ўрнатилган жавоҳир тошлар жилоланар эмиш... Пастда эса ҳамма қўл силкиб мени олқишлар эмиш. Шу вақт бирдан ҳаво айниди, ҳалиги соф осмон зулматга айланди. Оёқ остим гўё тубсиз жаҳаннам, унда мудҳиш махлуқлар ғужғон ўйнар, оғизларини очиб, узун тилларини чиқариб, гўё менга ташланмоқчидай бўлар, баъзилари оғизларидан худди мушак отилган каби ўт сочар, мен бўлсам, зўр бериб отни қамчилар эмишман. Лекин у энди қанот ёйиб уча олмас, чунки ўтлар ҳарорати уни куйдира бошлаган эмиш... Ниҳоят, от “шуувв” этиб жаҳаннамга тик шўнғиб кетди... Чўчиб уйғондим, терлаб кетибман... ”*



Бир миллатгина эмас, бутун инсоният тақдири хусусида ўйга ботувчи катта истеъдодларнинг кўпчилигида ўз қисматини ҳам олдиндан сезиш, ҳис этиш қобилияти бўлиши – бор гап. Машраб ўз ғазалларида, Пушкин “Евгений Онегин”ида, Жек Лондон “Мартин Иден”ида, Шавкат Раҳмон қатор шеърларида ... ўзларининг ҳалокатларидан дарак беришгандек. “Отамдан хотира”да ёзилишича, Қодирийнинг ҳам аксарият туши ўнг келган. Унинг ҳозирча бизга маълум энг сўнгги туши ҳам, афсуски, ўнгидан келади: шу тушдан икки кун кейин — 1937 йилнинг 31 декабрь куни кеч соат 11 ларда Абдулла Қодирийни уйидан олиб чиқиб кетадилар...

Бу масалада, хоҳлаймизми-йўқми, бизга ёқадими-йўқми, бир аччиқ ҳақиқатни тан олишимиз, ўтган воқеа-ҳодисалар мантиқига айни ўзгармас ҳақиқатдан келиб чиқиб ёндашмоғимиз талаб этилади. Бу ҳақиқат эса шундан иборатки, Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Чўлпон, Абдурауф Фитрат сингари, миллатини ҳам худди ўзидек уйғоқ ва эркпарвар бўлмоғини истаган шахслар ҳалокатида аччиқ бир ҳаётий мантиқ, қонуният бор. Яъни, уларнинг маҳв этилиши недир тасодиф, айрим ғаламислар томонидан уюштирилган фитна бўлмасдан, балки уларни ўраб олган тузумнинг, мафкуранинг табиий, кутиладиган ҳосиласидир. Бошқача қилиб айтганда, айни ҳолатда масала кўндалангига қўйилганди: ё ўша тузум яшаши керак эди ёки озод инсонлар. Уларнинг бир вақтнинг ўзида узоқ мавжуд бўлиши, ёнма-ён яшаши, бир-бирларига тоқат қилмоқлари асло мумкин бўлмаган ҳол эди. Тузумга, унинг сиёсатига, равишига кўнган, у билан келишган ёхуд келиштирилган кишилар омонлик топдилар, айримлари — умрлари узоқ бўлсин — ҳали ҳамон ҳаётлар.

Абдулла Қодирийнинг аксарият асарларида, “Ўткан кунлар” ва “Меҳробдан чаён”ида мана ман деб турган миллатпарварлик, эркпарварлик, адолат ва ҳақиқатталаблик кайфиятига шўро ҳукуматининг тек чидаб туриши — кўлмак сув ичида олов барқ уриб ёниб туришидек мантиқсиз, хаёлий бир иш бўлур эди. Ахир оловнинг ўзи — Абдулла Қодирий ўзи яшаётган тузум қилмишларига тек қараб турмади, унинг мақсад-моҳиятини, халқи бошида ўтказаётган манфур сиёсатини ҳар қадамда — ҳар бир ёзган нарсасида очиқ айтишдан тоймади. Шундай экан, “кўлмак” ўз ишини — кирдикорини амалга оширди...

Бу ўринда, масалан, “Ўткан кунлар” қатларидан сизиб чиқувчи буюк дарднинг салмоғини бир ёкка қўйиб, унинг сўнгги саҳифасига “ёзғучи” қалами ила битилган, бор-йўғи учта гапга жо бўлган бениҳоя аччиқ ҳақиқатни эсламоқ, бугун ҳеч курса шуни қалбдан ҳис қилмоқ кифоядир. Мана ўша учта гап:

*“Кейинги Марғилон боришимда яқин ўртоқлардан Ёдгорбек тўғрисида суриштириб билдим: Ёдгорбек ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот қилиб, ундан икки ўғул қолибдир. Ўғилларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан. Бу кунда ном-у нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар*”.

Мана шу, гўё номига, асар қаҳрамонларининг кейинги тақдиридан ўқувчини шунчаки хабардор қилиб қўйиш учун битилгандек лавҳада акс этган фожиа ҳам камида яна бир “Ўткан кунлар”дек романга асос — материал бўлиши аниқ. Бу даъвони мақола ҳажми имкон берадиган даражада исботлашга ҳаракат қиламиз.

Лавҳадан маълум бўладики, роман қаҳрамонлари, уларнинг кечмиш-кечирмишлари аксарият реал ҳаётдан олинган бўлиб, асарда бадиий тўқимадан меъёрида, керагича фойдаланилган. (Бу борадаги мулоҳазаларимиз билан “Ҳуррият” газетасининг жорий йил 24 апрель сонида чоп этилган “Ўтмиш сабоқлари” номли мақоламизда қисман ўртоқлашган эдик. Р.Қ.) Энди ана ўша реал инсонлардан бири Ёдгорбек қисматига диққат қилайлик.

Хўш, Ёдгорбек ким?

Юсуфбек ҳожи ва Мирзакарим қутидорнинг набираси, Отабек ва Кумушбибининг ўғли. Эслаб кўрайлик: бутун роман давомида, хоҳ Юсуфбек ҳожининг, хоҳ қутидорнинг хонадонида, бирор мисқол моддий етишмовчилик ҳақида (“гўшт тугаб қопти”, “уннинг таги кўриниб қопти” қабилидаги) гап бўладими? Бўлмайди, мутлақо бўлмайди!

Энди, шўролар замонига келиб, мана шу хонадоннинг аъзоси, бекнинг боласи “*ушбу асрнинг ўн тўққиз ва йигирманчи очлиқ йиллари миёнасида вафот*” қилмоқда, демакки, очликдан ўлмоқда! Шундай экан, оддий камбағал чоракорнинг, деҳқон ва ҳунарманднинг ўзи-ю боласи тўғрисида айтмай қўя қолайлик.

Нега? Нима учун Марғилонда, Фарғона водийсида одамлар очликдан, муҳтожликдан ўлмоқда?

Чунки 1918 йилнинг февраль ойи охирида Тошкентдан Қўқонга — Туркистон мухториятини маҳв этишга юборилган қўшин водийда ижтимоий-иқтисодий ҳаётнинг бутун тизимини ер билан яксон қилади. Водийда даҳшатли очлик бошланади.

А.Қодирий Ёдгорбекнинг очликдан ўлганини айтиш билан чекланмайди, даҳшатли ҳақиқатнинг кўламини борбудича ошкор этади: “*ундан икки ўғул қолибдир. Ўғилларидан биттаси бу кунда Марғилоннинг масъул ишчиларидан бўлиб, иккинчиси Фарғона босмачилари орасида экан*”.

Юқорида бир қисми айтилган хунрезликларга чидамаган халқ ўз озодлиги, ҳурлиги, истиқлоли умидида босқинчи шўровийларга қарши курашга отланади. Совет тарғиботчилари томонидан “босмачилик” деб номланган, аслида эса миллий истиқлолчилик ҳаракати бутун ўлкани қамраб олади. Ёдгорбекдан қолган икки ўғил мана шу курашнинг икки жабҳасида, бир-бирини йўқ қилиш тадоригига тушган! Улар саводсиз чоракорнинг, деҳқон ёхуд ҳунарманднинг зурриёдлари эмас, Ёдгорбекдан тўраган болалар, Отабекнинг невралари, Юсуфбек ҳожининг эваралари!

Юсуфбек ҳожи миллатини бирликка чорлаган, юртни ғаним босиши хавфидан, “боболарнинг муқаддас гавдаси” дафн қилинган покиза она тупроғи топталшидан халқини огоҳ этган, Отабек эса мана шу йўлда мардларча урушиб шаҳид кетган бўлса, уларнинг зурриёдлари — ака ва ука ўша ғанимлар қутқусига учиб, оталари васиятининг накд тескарисини қилиш билан оввора. Улардан бири — ё ака ёхуд ука “Марғилоннинг масъул ишчиларидан”, демак, ГПУнинг ходими, иккинчиси эса “босмачи” номини олган. Ёзувчи у ҳақдаги ҳикояни “*бу кунда ном-у нишонсиз, ўлук-тириги маълум эмас, дейдилар*” шаклида якунлар экан, шу охирги гапи билан ҳам шўро ҳукумати миллий истиқлол йўлида курашувчиларни ном-нишонсиз йўқ қилиб юборишдек ёвуз ҳаракатни бошлаганига ишора қилади...

Энди айтинг: бу ёзувчига, бу элпарварга бояги ҳукумат омонлик бериши мумкинми эди?

* * *

XX аср ўзбек адабиёти пешонасига чинакам элпарвар уч нафар Абдулла исмли ижодкор битди. Бири Абдулла Қаҳҳор бўлса, улардан яна бири, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов “Маломат тошлари” номли шеърида:

*Сарғайган саҳфалар аро қараб тек,*
*Қодирий қабрини сўрар Отабек...*

дея армон қилган эди.

Яратганга шукрлар бўлсинки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан Абдулла Қодирийнинг она шаҳри — Тошканди азимнинг қоқ марказида ёзувчи номидаги Ижод мактаби, музей ва гўзал боғ бунёд этилмоқда. Энди фақат йилнинг бир ойидагина эмас, балки ҳар куни, ҳар он беназир адиб Абдулла Қодирий хотираси эсга олинади, асарлари муттасил мутолаа қилинади, бу китоблар бағридаги улуғ ва ўлмас қалб миннатдор авлодлар томонидан чуқур идрок этилади.

**Раҳмон ҚЎЧҚОР.**

**» Таълим ва тарбия**

# Тингловчи доно бўлсин

Ширинсуханлик ва муомала кишининг ақл-идроки, ахлоқ-одоби, билими, маданий савияси ва тафаккурининг қай даражада эканини акс эттиради. Шундай экан, муомала одоби, сўзлашув ва маданият ҳақида гапирганимизда, энг аввало, ўқувчиларни хушмуомалали бўлишга, ҳар бир сўзни юксак дид, фаросат, ақл-идрок ва мулойимлик билан ифода этишга одатланмоғимиз керак.

Ростгўйлик — чинакам инсонийликка хос олижаноб фазилат бўлса, ёлғончилик тубанликка бошловчи зарарли иллатдир. Ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ота ўз фарзандларига бирор нарсани ваъда қилиб, кейин уни бажармаслиги ҳам ёлғонга киради. Муқаддас манбаларда айтилишича, ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса саодатга, ёлғончилик ёвузликка, ёвузлик эса тубанликка бошлайди. Шу боис, ростгўй одамга яхши баҳо, ёлғончи одамга ёмон баҳо берадилар.

Юсуф Хос Ҳожиб шундай деган:

*Тилингни тия тут,*
*тишинг синмайди.*
*Бу турган халойиқ,*
*сенга кулмайди.*

Халқимизнинг «Сўзловчи нодон бўлса ҳам, тингловчи доно бўлсин», деган оқилона ҳикмати ҳам бор. Бир доно киши ўғилларини йиғиб шундай дебди: «*Фарзандларим, эшитган сўзларингизнинг энг гўзалини ёзинг, ёзган сўзларингизнинг энг гўзалини ёдланг ва ниҳоят, ёдлаган сўзларингизнинг энг гўзалини сўзланг*».

Шундай экан, биз педагоглар ўтказилаётган турли тадбир, кеча, эрталик ва тарбиявий дарс соатларимизда ўқувчилар одоб-ахлоқи, одамийлиги, ўзаро муомаласи, ота-боболарига бўлган ҳурмати ва биз ўзимиз яшаётган маҳаллада ўзимизни қандай тутмоқ кераклиги ҳақида ҳаётий мисоллар келтирамиз. Шунингдек, бу ҳақда ўзбек халқ мақоллари, афоризм ва ҳикматли сўзлардан ҳам ўринли фойдаланиш мақсадга мувофиқдир.

Маълумки, сўзлаш одоби аввало, салом-аликдан бошланади. Бу маҳаллада яшовчи таниш ёки нотаниш кишилардан қатъи назар, ўзаро муносабатларимизда бир-биримизга бўлган самимий ҳурмат ва эҳтиромни ифодалайди, албатта. Ҳақиқатан ҳам сўзлаш одоби одамийликнинг ёрқин кўзгусидир. Агар кексаларимиз ёки илм аҳиллари суҳбатларида бўлсак сукут сақлаб, кўпроқ эшитиб, уларнинг ўгитлари ва ҳаётий тажрибаларидан оқилона фойдаланишни унутмасликни ўқувчиларга уқтириб борамиз. Ҳар бир ўқувчи ўртоғи ва бошқалар томонидан иззат-икром ва ҳурмат қилишларини истар экан, у бошқаларнинг ҳам ҳурматини жойига қўйиши лозимлиги тақозо этилади.

Лекин болалар ўртасида қўрс, қўпол муомалада бўлувчилар ҳам учраб туради. Улар ёнидагиларнинг дилини жароҳатлайди, дил жароҳатини эса ҳеч бир малҳам билан тузатиб бўлмайди.

Қисқаси, ўтказилаётган тадбир, учрашув ва тарбиявий дарс соатларида фақат инсонгагина хос бўлган сўз — гавҳар, маъно эса сўзнинг жони эканлиги, сўзлашув, муомала киши зийнати, у ўзига хос санъат, бу санъатни эгалламоқ лозимлигини ўқувчиларимиз онгига сингдириб боришга ҳаракат қилаяпмиз.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**Самарқанд туманидаги 21-умумтаълим мактаби директори.**

**ОАВ ва миллий ғоя**

Ўтган йиллар давомида миллий истиқлол ғояси халқимизнинг миллий тикланишига хизмат қилди. Ғоявий курашларда халқимизни бирлаштирди, бузғунчи ғоялар моҳиятини англашда, айниқса, ёшларимиз онгу тафаккурини бойитишда муҳим аҳамият касб этмоқда. 2017 йилдан бошлаб Ўзбекистон ўз тараққиётининг янги – Миллий юксалиш босқичига кирди. Конституциямизга асосланган, халқимизнинг манфаатларига жавоб берадиган мамлакатни ривожлантиришнинг Ҳаракатлар стратегияси амалиётга киритилди. Кейинги йилларда эришилган юксак марралар халқимиз ҳаётини фаровон қилишга қаратилган ислоҳотлар самараларини яққол кўрсатмоқда.

# Маънавий меросимизга таянайлик!

Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари” деган устувор ғоя асосида “Обод қишлоқ”, “Обод маҳалла”, “Ёшлар — келажагимиз”, “Беш ижобий ташаббус” каби дастурларнинг ҳаётга татбиқ этилиши аҳолини янгича фикрлаш ва ишлашга сафарбар этишда муҳим роль ўйнамоқда. Бунинг натижасида, мамлакатнинг энг чекка ҳудудлари, марказлардан олисда жойлашган қишлоқларнинг ҳам меъморий қиёфаси тубдан янгиланиб, аҳолининг турмуш фаровонлиги юксалтирилмоқда. Соғлиқни сақлаш, маданият ва спорт, илм-фан, айниқса, таълим-тарбия соҳаларида бўлаётган улкан ўзгаришларга барчамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Аммо шу билан бирга, ҳамон ечимини кутаётган муаммолар ҳам йўқ эмас.

Жорий йил 12 сентябрь куни “Халқ сўзи” ва “Нородное слова” газеталари таҳририяти мажлислар залида ўтказилган тадбирда шулар ҳақида сўз борди. “Миллий тикланишдан — миллий юксалиш сари — тараққиётимизнинг маънавий асоси” деб номланган Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ташкил этган мазкур семинар мавзуси Президентимизнинг жорий йил 8 апрелдаги “Ўзбекистон тараққиётининг янги босқичида миллий ғояни ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармойиши ҳамда давлатимиз раҳбарининг шу йил 3 майдаги “Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижросига қаратилди.

Унда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ва Республика Маънавият ва маърифат маркази масъул ходимлари, маънавий-маърифий соҳа,





марказий оммавий ахборот воситалари вакиллари, айрим интернет журналистикаси вакиллари иштирок этди.

Семинарда қайд этилганидек, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг муваффақияти, республикамизнинг дунёдаги ривожланган давлатлар қаторидан муносиб ўрин эгаллаши, миллат якдиллигини таъминлаш, миллий ғоя барча соҳалар қатори, оммавий ахборот воситалари ривожи медиатузилмаларда фаолият юритаётган журналистларнинг билим ва малакаси, ўз ишига масъулияти, фидойилигига ҳам боғлиқ.

Глобаллашув жараёнининг шиддат билан тус олиши оқибатида ўсиб келаётган ёшлар орасида турли ёт ғоялар шаклланишининг олдини олишга қаратилган чора-тадбирлар мамлакатимизда рўй бераётган янгиланиш суръатларидан ортда қолмоқда. Дунёда юз бераётган мураккаб мафкуравий ва геосиёсий жараёнларни англаш даражасининг етарлича шакилланмагани одам савдоси, экстремизм, “оммавий маданият” ва наркобизнес каби таҳдидларга қарши курашишда миллий ғоя омилидан фойдаланиш имкониятини бермаяпти.

— Маънавият — мамлакатнинг ҳақиқий мафкуравий устуни. Уни ҳимоя қилиб, узлуксиз маънавий тарбияни йўлга қўйишимиз керак, — дейди Республика Маънавият ва маърифат маркази бўлим мудири Эргаш Даминов. — Биз бугун оммавий ахборот воситалари орқали, мақсадли, тизимли ишларни йўлга қўёлганимиз йўқ. Миллий маънавиятимиз асоси бўлган алломаларимиз ижоди, фаолиятини чуқур ўрганган олимларнинг чиқишлари матбуотда ҳам, телерадиода ҳам деярли кўринмаяпти. Журналистлар, таҳририятлар ана шундай кучли мутахассислар, олимлар билан доимий мулоқотда бўлиб, буюк алломаларимизнинг меросини халққа, келажак авлодга етказиб турувчи восита бўлиши керак. Ҳар битта мавзунинг эгаси бўлган олимларимиз бор. Ана шундай ҳамкорликнинг йўлга қўйилмагани оқибатида жиддий хатоларга йўл қўйилмоқда. Масалан, яқинда телеканалларимиздан бирида, тўғридан-тўғри эфирда “Имом Бухорий ҳазратларини тўрт марта ўз юртидан қувилган” деган хато маълумот бериб юборилди. Ваҳоланки, аслида бундай бўлмаган. Саройга бориб сабоқ беришни ўзлари истамагач, шоҳ майли, келмаса, кетаверсин деган мазмунда гапирган, холос. Тарихий ҳақиқатни бу тарзда бузиб талқин этиш ёшларда қандай таассурот қолдиришини ўйлаб кўриш зарур. Жанубий Кореядан келган бир меҳмон йигит менга бир ручка совға қилди. Унда шу юртнинг миллий қаҳрамони Жумонгнинг ҳайкалчаси сурати бор эди. Бу ҳам миллий ғоя тарғиботининг бир кўриниши. Биз айнан шу маслада оқсаяпмиз. Кўча-кўйда менталитетимизга бутунлай ёт бўлган рекламалар акс этган паннолар кўп учрамоқда ва бу ёшлар маънавиятига салбий таъсир этаётгани сир эмас. Матбуот, телевидение ва радио ана шундай ҳаётимизга номуносиб рекламалар тарғиботи билан эмас, аксинча, миллий қадриятларимизга ёт бўлган бу каби рекламалардан воз кечиш тўғрисида чиқишлар қилиши керак. Асрлар силсиласидан ўтиб келган миллий қадриятларимиз, халқни ортидан эргаштира олган оқсоқоллар, кайвонилар, керак бўлса, ибратли қайноналар, оилалар ҳақида мақолаларни кўпайтиришимиз лозим. Президентимиз томонидан олиб борилаётган ислоҳотлар миллий ғоя халқимизнинг куч-қудратига айланиши учун шароит яратди. Энди гап миллий ғояни ҳар бир ўзбекистонликнинг ниятига ва ҳаракатига айлантиришда...

Тадбирда ижтимоий тармоқлар орқали тарқалаётган бўлар-бўлмас хабарлар ва уларнинг оқибати хусусида ҳам сўз борди. Таъкидланганидек, яхши фикр яхшиликка, ёмон фикр ёмонликка йўл очади. Ахборот майдонини нуқул негатив фикрлайдиганлар эгаллаб олмаслиги учун позитив, некбин мазмундаги мавзулар билан мутаносиб тўлдиришга алоҳида эътибор қаратмоғимиз зарур. Негаки, катталар ҳам, болалар ҳам яхши-ёмон фикрлардан таъсирланади. Одамлар бир-бири билан ижтимоий тармоқда тортишади, айтишади, уришади. Лекин ҳамма ҳам бу негатив фикрлардан бошланган ғоялар кураши эканини англамайди.

Юқорида номи келтирилган фармойиш ва қарор орқали соҳадаги муаммоларни бартараф этиш бўйича миллий ғоя мавзуида адабиётлар яратиш, миллий ғояни ривожлантириш борасида илмий изланишлар олиб бориш ва бу борадаги тарғибот-ташвиқот ишларининг сифатини таъминлаш мақсадида қатор тадбирлар амалга оширилгани ҳам қайд этилди.

Республика Маънавият ва маърифат кенгаши фаолиятининг асосий йўналишлари хусусида ҳам сўз юритилди. Маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини янада ошириш, аҳолининг интеллектуал салоҳияти ва дунёқарашини юксалтиришга, мафкуравий иммунитетини мустаҳкамлашга доир чора-тадбирлар дастури тасдиқланди. Дастур доирасида республика бўйлаб “Маънавият фестивали”, “Йилнинг энг фаол маънавият тарғиботчиси” танлови ўтказилди. “Бу йилда ўқиш зарур бўлган 100 та китоб” рўйхати тузилди. “Маънавият фидойиси” кўкрак нишони таъсис этилди. Узлуксиз маънавий тарбия концепцияси ҳамда жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитнинг ҳолатини аниқлаш ва манзилли соғломлаштириш методикаси ишлаб чиқилмоқда.

Очиқ мулоқот тарзида ўтган семинарда журналистлар кўтарилган масалалар бўйича ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар, тегишли таклиф ва тавсиялар қабул қилинди.

**Холида АҲМАДЖОНОВА.**

Реклама ҳуқуқи асосида

QQB | Qishloq Qurilish Bank

Fitch Ratings

Халқаро рейтинг агентлиги

Акциядорлик тижорат банки
«Қишлоқ қурилиш банк»

рейтингларини тасдиқлади.

Рейтинглар истиқболи —
«БАРҚАРОР».

Маълумот учун:
(+99878) 150-93-39
www.qqb.uz

«Қишлоқ қурилиш банк» —
фаровон ҳаётингиз хизматида!

Хизматлар лицензияланган.

**Эълон**

Абдуллаева Хатира Ганиевнага тегишли Тошкент шаҳар, Учтепа тумани, Кўҳна Чўпонота кўчаси 13-35-21 хонадонга тегишли 01-02/7150 рақамли 1993 йил 10 февралда берилган давлат ордери йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

**Эъзоз**

Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, II даражали «Соғлом авлод учун” ордени соҳибаси, таниқли адиба Яйра Саъдуллаева 85 ёшга тўлдилар. Ўғил-қизлар, набира ва чевараалар даврасида, уларнинг ардоғида қутлуғ ёшни қаршилаётган устозга ҳар қанча ҳавас қилсак, ўрнак олсак арзийди.

# Ҳаёт ардоғидаги устоз

Чунки, Яйра опа бутун истеъдоди, куч-ғайрати ва имкониятини болаларга бағишлаган ижодкор. Устозни йўқлаб уйларига борсак ҳамиша “Ғунча” яхши чиқяптими, “Гулхан”чилар соғ-омонми, “Тонг юлдузи”, “Класс” қандай деб, ҳамма болалар нашрларини бирма-бир сўраб чиқадилар. “Журналлардан бир-иккита олиб келдингизми?” — дея кўзлари порлаб туради. “Гулхан”, “Ғунча”нинг янги сонларини қўлларига тутаман. Боладек қувониб, кўзлари ёшланади. Суҳбатимиз гоҳ ўғил-қизлари, шириндан шакар набира ва чевaралари ҳақида, гоҳо эса болалар адабиёти ҳақида бўлади. Кўпинча эса Яйра опа бош муҳаррир сифатида фаолият юритган 1970-1995-йиллар ҳақида гаплашамиз. Ўша йиллари болалар учун сермаҳсул ижод қилган Қуддус Муҳаммадий, Пўлат Мўмин, Илёс Муслим, Маҳмуд Муродов, Рауф Толиб каби болажон қаламкашларни эслаб тўлқинланиб сўзлайдилар.



Ҳаяжон билан улар ижодидан айрим мисраларни ёддан айтиб берадилар-да, “Қаранг қандай таъсирли мисралар. Бу шеърларни бугунги ёш авлодга ҳам тавсия қилиш керак”, деб қўшиб қўядилар. Сўнг бироз муддат бир нуқтага тикилганча, хаёлан ўтган йилларга қайтадилар. Мен эса уларга халал бермаслик учун ёнларида овоз чиқармай ўтираман.

Бу матонатли, серғайрат аёлни жимгина кузатар эканман, бироз ўтиб: “Мана бу ҳикояларни набираларимдан илҳомланиб ёзиб қўйгандим. Ўқиб кўринг, лозим топсангиз журналда берарсиз”, дейдилар камтарлик билан. Ёнларидаги столда эса ҳамиша қоғоз-қалам, янги қораламалар бўлади.

— Вой, Заҳрожон-ей, келиб жуда яхши қилдингиз-да, ғунчамнинг, гулханимнинг нафасини олиб келдингиз. Раҳмат сизга, мени ғоят хурсанд қилдингиз. Юртимизда жуда катта ишлар амалга оширияпти. Китобга бўлган муносабат ўзгарди. “Гулхан”, “Ғунча” журналларининг нуфузи доим баланд бўлган. Бу журналлар неча-неча авлодни маънан улғайтирган, ёш истеъдодларни тарбиялаб вояга етказган. Бугунги кунда таниқли бўлган ёзувчи ва шоирларнинг илк ижод намуналари шу журналларда чоп этилган. Ҳали қараб туринг, уларнинг адади яна кўтарилиб кетади, — дейдилар юз-кўзларидан табассум ёғилиб. — Ҳали сиз билан болалар адабиёти ҳақида гаплашадиган гапларимиз ниҳоятда кўп, яна бир келасиз, — деб болалар нашрларида ишлаётган барча қаламкашларни узундан узоқ дуо қиладилар.

Дарҳақиқат, Яйра опа 7 йил “Гулхан” журналига, 27 йил эса кичкинтойларнинг севимли нашри “Ғунча”га раҳбарлик қилдилар. Болалар учун кўплаб китоблар ёзди. Бир қатор ҳикоялари бошланғич синф дарсликларига ҳам киритилган. Улар мактаб болалари томонидан севиб ўқилмоқда.

Яйра Саъдуллаева нафақат болалар адабиётида, балки замонавий ўзбек адабиётида сермаҳсул ижод қилаётган адибадир. У кишининг “Инсон қадри”, “Олтин бахтим”, “Катта ҳовли”, “Нурли ва нурсиз осмон”, “Ярашмаган ялла” китоблари китобхонлар томонидан севиб ўқилмоқда.

Болажон адибамизни кўпминг сонли мухлислари номидан қутлуғ ёш билан чин дилдан табриклаймиз. Уларга сиҳат-саломатлик, янада улуғ ёшларни тетик ва бардам қарши олишларини тилаб қоламиз.

**Заҳро ҲАСАНОВА,**
**“Гулхан” журнали Бош муҳаррири.**

**Айтганча**

Бутундунё жамоатчилиги ўртасида ўтказилган ижтимоий сўров натижаларига кўра, коррупцион жиноий кирдикорларнинг 26 фоизи оммавий ахборот воситалари кўмагида фош этилар экан.

# 26 фоизини журналист фош этди

Урганч шаҳрида ўтказилган “Коррупцияга қарши курашишда оммавий ахборот воситаларининг роли” мавзуидаги семинар-тренинг коррупцияга қарши курашишда қонунчилигимизнинг самарадорлигини оширишда дунё тажрибасини қўллашга қаратилди.

ОАВ ходимлари малакасини оширишга қаратилган машғулотлар Республикамизнинг 11 та ҳудудида амалга оширилиши режалаштирилган. Ўзбекистонда журналистларни қайта тайёрлаш маркази ташаббусига биноан Урганчда ўтказилган мазкур семинар-тренинг етук назариётчи олимлар ва журналистлар иштирокида ўзаро жонли суҳбат шаклида бўлиб ўтди. “2019-2020 йилларда коррупцияга қарши курашиш давлат дастури”да кўрсатиб ўтилган янги фаолият тараққиётимизга тўғаноқ бўлаётган коррупцион жиноий кирдикорларни бартараф этишда таҳририятлар, матбуот хизматлари, журналистлар, умуман, ОАВ вакилларининг ҳуқуқи, ваколат, бурч ва мажбуриятлари доирасини янада кенгайтиради.

**Абдулла СОБИРОВ.**

**Умр ибрати**

Йигирманчи асрнинг забардаст ижодкорларидан бири Расул Ҳамзатов ўзининг машҳур «Доғистоним» асарида эл оғзига тушган ёзувчи, шоир, рассом, олим, давлат раҳбари ё саркарданинг нуфузи, рутбасини, шоирона эҳтирос билан, у қайси миллат, қайси мамлакатга мансуб бўлса, мажозий маънода, ўша миллат, ўша мамлакатнинг паспортига қиёслаган эди.



# Кимё кенгликларига талпинган юрак

## (Академик Тўлқин МИРКОМИЛОВ ёди)

Жаҳон миқёсида тан олинган аллома аждодларимиз анъанасини муносиб давом эттириш муддаоси билан ўз умрини илму зиёга бағишлаган, фан, маданият ва маънавиятимиз равнақига муносиб ҳисса қўшган ҳамда айни шу фазилати билан халқимиз ардоғига сазовор бўлган олим, Ўзбекистон Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси, техника фанлари доктори, профессор Тўлқин Миркомилов ҳақида фикр юритганда, беихтиёр Расул Ҳамзатовнинг юқоридаги қиёси ёдга тушади.

Олимнинг тақдири, фаолияти, сермазмун ҳаёт йўли ёшларимиз учун ўзига хос ибрат мактабидир. Ўз соҳасининг юксак билимдони бўлган аллома бадиий адабиёт ва санъатни ҳам теран ҳис этар, бу борада соҳанинг номдор вакиллари билан тенгма-тенг мулоқотга киришиб кетаверар эди. Таниқли адиб, қатор халқаро мукофотлар соҳиби Чингиз Айтматов билан олимнинг Ўзбекистон халқ ёзувчиси Одил Ёқубов иштирокидаги дилкаш суҳбати пировардида Чингиз оға суҳбатдоши, гарчи кимёгар бўлса-да, нафис адабиёт ошуфтаси, чуқур тафаккур, теран фикр-мулоҳазали инсон эканлигига тан бериб, унга тасанно айтган экан. Бинобарин, Тўлқин Миркомилов икки йирик туркий адабиёт намояндаларини инжа маърифати, қомусий дунёқараши билан мафтун этиб, уларнинг самимий эътирофига сазовор бўлган. Элимиз, юртимиз, миллатимиз шуҳратини дунёга танита олган, бир умр билимга, илғор илмий тафаккурнинг олдинги марраларида бўлишга интилган.

Ёзувчи Луқмон Бўрихон Тўлқин Миркомилов ҳаёти ҳақида қарийб 160 саҳифадан зиёдроқ "Шамолдек шошқин умр" деб номланган ажойиб ҳужжатли қисса ёзди.

Унда улуғ олим ҳаёти, унинг болалиги, ўсмирлик йиллари, талабалик чоғлари ва айтиш мумкинки, бутун умр пиллапоялари қаламга олинади. Жуда ўқишли, таъсирчан асар. Бемалол ушбу қисса асосида бадиий фильм яратса ҳам бўлади. Мана ундан бир парча:

*Минг тўққиз юз олтмиш иккинчи йилнинг қайноқ ёзида Тошкент политехника институтининг кимё технологияси факультетини аъло баҳолар билан битирган икки дўст, Тўлқин Миркомилов ва Ғаффор Раҳмонбердиев Ўзбекистон фанлар академиясига қарашли Полимерлар институтига йўлланма олишди. Бу ерда лаборант сифатида иш бошлашди.*

*Муҳаббат исмли сулувгина қиз ҳам шу ерда ишлар экан. Уни кўриб Тўлқиннинг кўзлари чақнаб кетди. Орадан кўп ўтмай икки дўст Ленинград шаҳрига мақсадли аспирантурага ўқишга юборилди. Қарангки, Муҳаббатхон ҳам худди шундай муддао билан Москвада экан. Юлдузи Юлдузига тўғри келдими ё тақдири илоҳий измими, хуллас, Тўлқин ва Муҳаббатхон Нева кўприклари устида бир умр бирга бўлишга аҳду паймон қилишди. Азим рус дарёси сокин, тинч, бир маромда оқиб ётарди. Кўприкдан ўтиб-қайтгувчилар сийрак. Бир-бирига термулганича мутаассирликда қолган икки ёшнинг ёнига соч-соқоллари ўсиқ, шиNone* 

*ширакайф бир қария яқинлашиб ўзўзича гап бошлади.*

*— Бу кўприк қирғоқларни бир-бирига туташтиради, қалбларни эмас! Яхшиси, бошқа ерда сирлашганларинг маъқул. Ирими шунақа...*

*Чол шундай ғудраганича нари кетди. Ишқнинг оний бахтидан сармаст икки ёш унинг ғалати гапларига кулибгина қўя қолишди. Олдда ҳали нелар кутиб турганини билишмас эди улар. Қиз билан учрашувдан қайтган Тўлқин аҳду паймон ҳақида, ғалати чолнинг ғалати сўзлари ҳақида Ғаффорга гапириб бераркан, завқ-шавқдан кўзлари порлаб турарди. Орадан кўп ўтмай, Тошкентга қайтишгач, Тўлқин ва Муҳаббат оила қуришди.*

*Тўлқин Миркомиловни Москва, Ленинград, Киев каби катта шаҳарлардаги йирик институтлар кўп бор ишга таклиф этишган. Аммо ёш олим бундай хайрихоҳликларни рад этган. Чунки у бутун борлиғи билан Ўзбекистонга боғланган эди. Ўзи униб-ўсган заминга кўпроқ нафи тегишини истарди. Жонажон юртининг салоҳиятини, имкониятларини ўша талабалик даврларидаёқ кўра билган, унинг шунчаки хом ашё етказиб берувчи аграр ҳудуд бўлиб қолишини истамас эди. Бу ердаги мавжуд шарт-шароитлар, имкониятлар доирасида саноатни, ишлаб чиқаришни ривожлантириш тарафдори эди. Шунинг учун ҳам илк илмий ишини пахта толаси чиқитларидан целлюлоза олиш масалаларига қаратади.*

*Тўлқин Миркомилов кимё технологиясини, хусусан, Ўзбекистонимизда пахта толаси ва унинг линт, чигит туки, майда толалар сингари чиқиндиларини саноат асосида кимёвий қайта ишлашни ривожлантиришни, юртимизда экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйишни кўзлаб умр бўйи тинимсиз изланди...*

Мана бу сўзлар эса Ўзбекистон халқ ёзувчиси Тоҳир Маликнинг академик Тўлқин Миркомилов ҳаёти ҳақида "Комиллик пиллапоялари" хотира китобига ёзган сўзбошисидан олинди:

*Одатда диёримизнинг дунё халқлари тамаддунига қўшган ҳиссаси Ал-Хоразмий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек каби буюк сиймолар номи билан боғланади. Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Огаҳийлар жаҳон сўз санъати меросини ноёб инжулар билан бойитган шоирлар қаторида муносиб ўринга эга. Аммо ҳозирги даврда миллий ғуруримизни тиклашда ўз хизмати, иқтидори, ихтиро ва изланишлари билан ҳисса қўшаётган замондош олимлар ҳам борлиги кам тилга олинади. Гоҳгоҳида Ҳабиб Абдуллаев, Обид Содиқов, Собир Юнусов, Тошмуҳаммад Саримсоқов, Саъди Сирожиддинов ва XX асрда яшаган бошқа айрим олимлар номлари эсга олиб ўтилади, холос. Аслида ўзбек халқи авваллари қай даражада оламга машҳур фарзандларни етказган бўлса, ҳозир ҳам бу жабҳадаги бурчини муайян даражада амалга ошириб келаётир деб дадил айтиш мумкин. Фақат глобаллашув жараёнида ўзбек олимлари кашфиётлари қадимги замонларда бўлганидек чарақлаб шуҳрат топмаётганини тан олишга мажбурмиз.*

*Ўзингиз ўйлаб кўринг, студентлик пайтида терган пахтасининг момиғини ажратиб, чигитида қолган калта-култа, чиқинди тукларни халқ хўжалигида қўллаш ҳақида хаёл сурган йигитчанинг орзуси йиллар ўтиб зўр янгиликка асос бўлибди: пахта целлюлозаси кимёси ва технологияси илмида катта сифат ўзгаришини таъминлабди. Аввал Санькт-Петербург, Киев, Рига олимлари, кўп ўтмай Гавая Пасифик университети, Сан-Диего давлат университети (АҚШ), Гамбург — Гарбург техника университети (Германия), Пьер ва Мария Кюри номидаги Париж университети (Франция), Пекин технология университети (Хитой), Закаржик, Қоҳира ва Искандария технология университети (Миср Араб Республикаси), Афина таълим технология институти (Греция), Хасаева Киянг Хи Сеул университети (Жанубий Корея), Лазанна Киянг техника университети (Швейцария) каби Ер куррасидаги йирик олий илм даргоҳларининг етук мутахассислари Тошкентдаги Олча кўчалик зиёли Миромил аканинг ўғли Тўлқинжоннинг кимё соҳасидаги ихтиро ва изланишларига юқори баҳо бериб турсалар, ўзбек ғурурланмайди, дейсизми?! Унинг устига АҚШ Индустрия, таълим, маданият ва фан халқаро академияси унинг илмий салоҳиятини тан олиб, академикликка сайласа, "нур устига нур", демаймизми, ахир. Маълум бўляптики, Тўлқин Миркомилов миллатимиз шуҳратини кенг миқёсда дунёга танитган эл фарзанди эди, шундай бўлиб қолади.*

Бахтиёрлик осойишта қалбга эга бўлиш билан, қалб осойишталиги эса илм олиш билан вужудга келади. Ҳозир "бахт" деб ўйлаётган бойлик, мансаб, ҳатто оила қувончи — барчаси ўткинчи. Ёшлик кунларини илм олишга сарф этаётган кишининг бахтигина боқийдир. Илм олиш бахтига етган одамнинг ишлари уни икки дунё саодатига етаклайди. Академик Тўлқин Миркомиловнинг ҳаёт йўли фикримизга далил бўла олади.

Олимнинг илмий йўналиши, юқорида таъкидланганидек, кўпроқ маҳаллий ресурслардан оқилона фойдаланишга, экологик томондан замон талабларига мос янги технологияларни ишлаб чиқишга, пахта саноати маҳсулотлари чиқиндиларини сифатли қайта ишлаш, маҳаллий хомашёлардан унумли фойдаланишга қаратилганди. Устоз раҳбарлигида таркибида целлюлозаси бўлган хомашёларнинг тузилиши билан уларнинг физик-кимёвий хоссалари ўртасида ўзаро муштараклик ўрганилди. Сорбитлар, ионитлар ва физиологик фаол полимерлар олиш мақсадида целлюлозани кўп функционал органик кислоталар билан модификациялаш усуллари кенг ўрганилди. Бу борада олинган натижалар, илмий ютуқлар асосида таркибида целлюлозаси бўлган саноат чиқиндиларидан юқори сифатли целлюлоза олиш технологияси яратилиб, ишлаб чиқаришга татбиқ қилинди. Янги олигомер ва полимерларнинг ҳаётда, амалиётда қўлланиш соҳалари аниқланди. Кимёнинг мазкур йўналишида миллий илмий мактабга асос солинди.

Академик Тўлқин Миромиловичнинг серқирра фаолияти қиёсан ўрганилганда, катта ҳажмдаги илмий ва амалий ишлар кўз ўнгимизда намоён бўлади. Унинг қаламига мансуб 9 та дарслик, 6 та монография, 400 дан ортиқ илмий мақола, қатор рисолалар, турли ихтиролари учун олинган қирққа яқин патент ва гувоҳномалар бунга яққол далолатдир.

Илм-фанга қўшган улкан ҳиссаси эътироф этилиб, Тўлқин Миромилович Миркомилов 1995 йили Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг академиги этиб сайланди.

Тўлқин Миркомилов 1992 йили Тошкент кимё технологияси институтига ректор этиб тайинланади. Кимёгар устоз мазкур ўқув даргоҳи ўз номига муносиб бўлиши, ҳар томонлама юксалиши йўлида жонбозлик кўрсатди. Ўша пайтда глобал муаммо бўлган экология масаласига алоҳида эътибор қаратиб, «Саноат экологияси» кафедраси ташкил этилишига эришди. Шу асосда бир қатор янги йўналишлар очилишига имкон яратди.

Ташаббускор, омилкор, айни пайтда изланувчан, олий таълим соҳасига доир масала ва муаммоларни ҳал этишнинг янги, инновацион ечимини топа биладиган, юқори ташкилотчилик қобилиятига эга Тўлқин Миркомилов 1994 йили мамлакатимизнинг техника соҳасидаги етакчи олий таълим муассасаси — Тошкент давлат техника университетига ректор этиб тайинланди. Шу билан бирга, 1994-2001 йиллар давомида Ўзбекистон Республикаси Олий ўқув юртлари ректорларининг жамоатчилик асосидаги кенгашига раислик қилди. Қалбида эзгулик барқ уриб турган инсон қаерда бўлмасин, қанақа мансабда ўтирмасин, ҳамиша одамларга яхшилик қилишни, ўзгалар юкини имкон қадар енгиллатишни ўйлайди.

Шу маънода, янги раҳбар олий ўқув юртлари нуфузини кўтариш, профессор-ўқитувчиларнинг илмий-маданий савияси ва моддий фаровонлигини оширишга, уларни ижтимоий жиҳатдан ҳимоя қилишга эътиборни кучайтирди, бошқаларни ҳам шунга даъват этди. Тўлқин Миркомилов ўзи раҳбарлик қилган университет халқаро алоқаларини кенгайтириш масаласига алоҳида эътибор қаратди. Жаҳоннинг бир қанча нуфузли илм масканлари, университет ва институтлари билан илмий ҳамкорлик ришталарини пухталади. Жумладан, «Siemens» фирмаси ва Гамбург техника университети ташаббуси билан ташкил этилган халқаро видеоконференция ишида фаол иштирок этиб, фанларни масофадан туриб ўқитиш технологияси бўйича ҳамкорлик ишлари йўлга қўйилишини таъминлади. «Cofutis» Франция — Ўзбекистон илмий марказида космогеология, экология, қишлоқ хўжалиги, геотектоника соҳаларида янги технологияларни синовдан ўтказиш ва тарғиб этиш ишларида ҳам жонбозлик кўрсатди. 1996-1998 йилларда Россия, Греция, Жанубий Корея, Германия, Франция, Англия, Бельгия, Миср давлатларида хизмат сафарида бўлиб, илмий-техника анжуманлари ва конференцияларида фаол қатнашди. Хориж олий ўқув юртлари билан дўстлик ва ҳамкорлик ришталари, халқаро муносабатларни мустаҳкамлаш йўлида изланди.

Турфа соҳаларга қизиқиши билан Тўлқин Миркомилов ҳаётсевар кишилар сирасига кирарди. Олимнинг инсон камолоти адабиёт ва санъатга ошноликда деб билгани ва бунга қатъий амал қилгани эришган ютуқларига қанот бўлган, десак хато қилмаймиз. Ўтган асрнинг 70-йилларида Ўзбекистон халқ артисти Қудрат Хўжаев раҳбарлигида Политехника институтида ҳаваскорлик драма тўгараги ташкил этилганда, Тўлқин ака бу ташаббусни биринчилардан бўлиб қўллаб-қувватлаганди. Кейинчалик жаҳоннинг манаман деган театрлари учун маҳорат мезони бўлиб келган «Отелло», шунингдек, Иззат Султон ва Уйғун қаламига мансуб «Алишер Навоий» спектакллари ана шу ҳаваскорлик тўгарагида саҳналаштирилиб, Ўзбекистон театр тарихига янги саҳифа бўлиб кирди. Тўлқин Миркомилов «Отелло»да Яго образини, «Алишер Навоий»да эса улуғ шоир образини профессионал актёрлардан қолишмайдиган даражада, юксак маҳорат билан ижро этиб, мухлису санъатсеварлар олқишига сазовор бўлди.

Ҳар иккала спектакль ҳам ҳозирги Ўзбек Миллий драма театри саҳнасида намойиш этилди ва кўплаб санъатимиз дарғаларининг назарига тушди. Ўзбекистон халқ артисти, Яго ролининг қойилмақом ижрочиси сифатида тан олинган буюк актёр Наби Раҳимов: «Тўлқин Миркомиловга тасанно. У саҳна санъатининг кимё соҳасида адашиб юрган ўғли экан», дея лутф этган эди ўзига хос мутойиба билан. Дарҳақиқат, Тўлқин ака қалбан, руҳан санъатга яқин инсон, соҳанинг профессионал вакиллари тили билан айтганда, катта иқтидор эгаси эди. Бунга "Бобур" видеофильмида Умаршайх Мирзо, "Алишер Навоий" видеофильмида Самарқанд ҳокими образларининг Тўлқин Миркомилов ижросидаги бетакрор талқинлари мисол бўла олади.

Ўзбекистон фан арбоби, техника фанлари доктори, профессор Эркин Қосимов ўз хотираларида шундай ёзади:

*Ўзбекнинг чин ўғлони, меҳрибон оға, садоқатли дўст Тўлқин Миркомилов чинакам ватанпарвар инсон эди.*

*Ҳақ чизиб қўйган йўналиш бўйлаб бориб, тақдир тақозоси ила кимёгар олим бўлди. Академиклик унвонига эришди. Республикамиздаги энг йирик олий ўқув юртларидан бири, Тошкент техника университети ректори лавозимида кўп йиллар самарали меҳнат қилди. Олий Мажлис депутати бўлди.*

*Сен билан замондош, номи, таржимаи ҳоли катта ҳарфлар билан ёзилишига, ўзгаларга намуна қилиб кўрсатишга арзийдиган шахслар қаторига, менинг назаримда, Тўлқин Миркомилов киради. Айниқса, унинг бир хислати менга кўп ёқарди.*

*"Биз қаерда бўлмайлик, ўзбек деган фахрли номни кўкка кўтаришимиз, ўрнак бўлишимиз керак", — деб тез-тез такрорларди у.*

Ҳа, мақсад сари қатъият ва собитлик кўрсатган, ғайратли, шижоатли инсонгина танлаган йўлидаги ғов-тўсиқларни енгиб ўтиб, илм фидойиси, фан пешвоси бўлиб етишади. Шу маънода, қадимий ва навқирон, айни чоғда ўта мураккаб кимё фанида янги сўқмоқлар кашф этиш ва юриш осон эмас эди. Тўлқин Миркомилов ана шундай мураккаб соҳани танлаб, «Билим қайда бўлса, буюклик шунда бўлур» деган пурҳикмат сўзга амал қилди: булоқдек жўш урган фаолияти, илмий, илмий-педагогик, маданий ва маърифий йўналишдаги узлуксиз изланишлари, бетимсол илмий асарлари ва фундаментал тадқиқотлари билан буюк мутафаккир аждодларимизга муносиб издош бўла олди.

**Сирожиддин РАУФ,**
**Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.**

**Дунёда нима гап?**

### ПОРАХЎР АМАЛДОРНИ ОТИШГА РУХСАТ БЕРИЛДИ



**Филиппин президенти Родриго Дутерте мамлакат фуқароларига пора талаб қилувчи амалдорларни отишга рухсат берди. У шу билан бирга фуқароларга порахўрларни ўлдирмай, уларнинг оёқларига отишни тавсия қилган, йўқса "улар тергов натижасида афв этилмасликлари" хавфи бор. Бу ҳақда "Manila Bulletin" нашри хабар берди.**

"Агар сиз солиқ, йиғимлар, бож тўловлари ва шу кабиларни тўласангиз-у, бу аҳмоқлар сиздан пора талаб қилса, уларни уринг. Агар ёнингизда қурол бўлса, уларни отишингиз мумкин, бироқ уларни ўлдирманг, йўқса афв этилмаслигингиз мумкин", деб айтган Дутерте. Унинг таъкидлашича, қонунни бузувчи амалдорни ўққа тутадиган ҳар қандай кишига қўлланадиган чора қамоқ жазоси бўлмай, фақатгина "жиддий жисмоний жазо" бўлиши мумкин.

Филиппин етакчисининг таъкидлашича, мамлакатда коррупция шунчалик ўткир муаммога айланганки, у бу иллат билан курашиш учун энг кескин чораларга ҳам рухсат беришга тайёр.

### ДРОНЛАР ҲУЖУМИ ВА 300 МЛРД. ДОЛЛАР



**Саудия Арабистонининг "Saudi Aramco" давлат нефть компанияси Абқайқ ва Хурайсдаги объектларига дронлар ҳужумидан кейин компания IPOси савол остига қўйилмоқда ва бошқа санага кўчирилиши мумкин. Бу ҳақда "Wall Street Journal" нашри хабар берди.**

Нашр маълумотларига кўра, агар янги ҳужумлар хавфи сақланиб қолинса, Saudi Aramcoнинг баҳоси 300 млрд долларга камайиши мумкин.

Ҳужумлар учун жавобгарликни яманлик ҳусийлар ўз зиммасига олган. Бироқ АҚШ давлат котиби бунда Эронни айблаган. Ҳужумлардан кейин Saudi Aramco нефть қазиб олишни 5,7 млн. баррелга қисқартиришга мажбур бўлган. Бу эса подшоҳлик оладиган бир кунлик нефтнинг ярмини ташкил қилади. Бунинг ортида Brent нефти нархи 14 фоизга кўтарилиб кетиб, 71,62 долларгача етган.

### ЯДРО УРУШИ ЮЗ БЕРИШИ МУМКИН



**Покистон бош вазири Имрон Хоннинг таъкидлашича, қўшни Кашмирдаги вазият Ҳиндистон билан ядро урушига олиб келиши мумкин.**

Имрон Хоннинг таъкидлашича, у урушга қарши, бироқ "иккита ядро давлати оддий уруш олиб борганда, ядро уруши бошланиб кетиши имкони бор", деб ёзмоқда "The Telegraph" нашри.

Покистон бош вазири Ҳиндистоннинг Кашмирда ўз-ўзини бошқаришни тўхтатиш қарорига бошқа давлатлар муносабатларига норозилик билдирган. У Ҳиндистонни қатлиомда айблаган.

Аввалроқ Ҳиндистон ҳукумати Жамму ва Кашмир штатининг махсус мақомини бекор қилиб, уни икки ҳудудга бўлиб юборганди. Бунга жавобан Покистон Ҳиндистон элчисини чиқартириб юборган.

Икки давлат Кашмирни 1947 йилдан бери бўлиша олмайди.

### ТАКЛИФ: С-400 МАЖМУАСИНИ КИМ СОТИБ ОЛАДИ?



**Россия президенти Владимир Путин Саудия Арабистонидаги нефть объектларига ҳужумлар ортида подшоҳликка Россиянинг С-400 ёки С-300 зенит-ракета мажмуаларини сотиб олишни таклиф қилди.**

У бу ҳақда Анқарада ўтган Россия, Эрон ва Туркия президентлари иштирокидаги Сурия бўйича уч томонлама саммит давомида айтиб ўтди. Путин Саудия Арабистонидаги нефтни қайта ишлаш заводларига ҳужум ҳақидаги саволга Қуръони каримдан парчалар келтирган.

"Муқаддас Қуръонда ўз қариндошчилик ришталарини ҳимоя қилишдан ташқари, ҳар қандай зўравонликка йўл қўйиб бўлмаслиги айтилган", дея сўзлаган Путин.

Унинг таъкидлашича, Саудия Арабистони раҳбарияти "доно қарор қабул қилиши" ва Эронга ўхшаб С-300 ёки Туркия каби С-400 сотиб олиши лозим. "Улар Саудия Арабистони инфратузилмасининг ҳар қандай объектини ишончли ҳимоялайди", деб қўшимча қилган Россия етакчиси.

Путин Эрон президенти Ҳасан Руҳонийнинг "С-300 ёки С-400 сотиб олган маъқулроқми?" деган саволига "Ўзлари танласинлар", деб жавоб қилган.

### ЎТА ХАВФЛИ



**«Бош вазир бўлсангиз, улар ўта хавфли» — Сноуден амалдорларга "WhatsApp" ва "Telegram"дан фойдаланмасликни тавсия қилди.**

У "France Inter" радиосига интервью бераётган чоғида журналист Франция бош вазири Эдуар Филипп "WhatsApp", президент Эммануэль Макрон эса Telegram мессенжеридан фойдаланишини айтди. Сноуден бунга жавобан, вазирларнинг "WhatsApp"дан фойдаланишлари «катта хато» эканлигини таъкидлади. У "Facebook" компанияси 2014 йилдан мазкур илованинг эгасига айланганини айтди. «Улар турли ҳимоя даражаларини қатламма-қатлам ўчиришади», деган у.

Сноуденнинг сўзларига кўра, бу компанияга зарурат туғилганда фойдаланувчиларнинг суҳбат ва ёзишмалари мазмунидан хабардор бўлиш имконини беради.

**Интернет хабарлари асосида А.СОДИҚОВ тайёрлади.**

Мусиқа, қўшиқ инсон қалбида энг нафис туйғуларни уйғотувчи, кишини руҳлантириб, эзгу ишларга бошловчи қудратли куч. Тил, миллат танламайдиган наволар таржимонсиз, ҳеч бир воситасиз инсон юрагига кириб боради. Дилларни дилларга, элларни элларга боғлайди.

## Меҳринигор АБДУРАШИДОВА:

# Оиламизда ҳеч ким санъаткор бўлишимни истамаган...

Маълумки, "Шарқ тароналари" XII халқаро фестивалида нуфузли ҳакамлар ҳайъати хулосасига кўра, анжуманнинг бош совринини — Гран-при Ўзбекистон вакилига берилгани санъат ихлосмандларини мамнун этди.

Мамлакатимиз мустақиллигининг 28 йиллиги байрами арафасида бўлиб ўтган фестиваль тадбирларида иштирок этган мухбиримиз нуфузли халқаро танлов бош совриндори Меҳринигор Абдурашидова билан ўша ҳаяжонли дамларда суҳбатлашган эди.

— Дунёдаги нуфузли санъат фестивали ғолиби бўлганимдан чексиз ҳаяжон ва қувончдаман, — деди Гран-при соҳиби, Ўзбекистон давлат консерваторияси талабаси Меҳринигор Абдурашидова. — "Шарқ тароналари"да иштирок этиш, Регистонда қўшиқ куйлашнинг ўзи катта шараф. Бу фестивалда ғолиб бўлиш эса энг катта орзуим эди. Менга ана шундай бахт насиб этди.

<u>— Ғолиб бўлганлигингизни эълон қилишганда, хаёлингиздан нималар кечди?</u>

— Гран-пригача бўлган ғолибларни эълон қилишганда, ичимдан "Бу гал омадим чопмади, кейинги танловларда янада пухтароқ тайёргарлик кўраман", дедим ўзимга ўзим. Аммо 1-2-ўрин ғолиблари тақдирланиб бўлганидан кейин Гран-при учун исмим янграганида рости, қулоқларимга ишонмадим. Турли танловлар ғолиблари ҳар гал "Кутмагандим" дейишса, ҳайрон бўлардим, аслида мен ҳам кутмаган жойимда ғолиб бўлдим. Севинч кўз ёшларим ҳатто саҳнага чиққанимда ҳам мени тарк этмади. 77 та давлатнинг энг кучли санъаткорлари ичидан олий мукофотга мени лойиқ кўришганидан анча вақт ўзимга келолмадим.

<u>— Ўзингизга қайси давлат мусиқа жамоасининг чиқиши ёқди?</u>

— Озарбайжон. Аслини олганда ҳар битта давлатнинг чиқишлари бетакрор бўлди. Катта тайёргарлик кўришгани дастур давомида билинди. Озарбайжон жамоасига келсак, ижро ҳам, чолғу асбобларининг чалиниши ҳам таҳсинга лойиқ.

<u>— Тайёргарлик жараёнлари уч ой олдин бошланганини эшитдим, тўғрими?</u>

— Ҳа, дадам Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Абдулаҳад Абдурашидов билан аввалдан тайёргарлик кўриб келардик ўзи.

<u>— Фестивалдаги репертуарингизни ўзингиз танладингизми?</u>

— Ўзбекистон Халқ артисти Сирожиддин Жўраевнинг "Роҳатижон" қўшиғи ва ўзбек халқ куйларидан попурини ижро этдим. Бошида бошқа қўшиқларимизга мурожаат қилмоқчи эдим, аммо устозларим билан маслаҳатлашиб кўрганимдан кейин шу танловда тўхталдик. Попури йиғилган меҳмонларимизга манзур келди. Ундаги "Лазги", "Олмани отдим" каби қўшиқлар барчага юқори кайфият улашди.

<u>— Санъаткор бўлишингизда оилавий муҳитнинг таъсири катта экан-да?</u>

— Санъаткорлар оиласида ўсиб-улғайган бўлсам-да, ҳеч ким мени санъаткор бўлишимни истамаган. Дадам дутор чалишдаги маҳоратимни кўриб, "Яхши чаляпсан" деб қўярдилар-у, жиддий шуғуллан демасдилар. Касб танлаш танлови борасидаги фикримни айтганимда, санъатда ўз мактабингни ярата олсанг, ижодга қадам қўй, бўлмаса бошқа соҳани танла, деганлар. Куну тун фикри хаёлим санъатда бўлса, қандай бошқа соҳани танлашим мумкин эди?! Консерваторияга ўқишга кирдим, 2017 йилда "Йилнинг энг яхши мақом қўшиқчиси" ва "Ниҳол" мукофоти совриндори бўлдим. Эндиликда оила аъзоларим ижодимни янада ривожлантиришим учун қўллаб-қувватлаб келишмоқда. Дадамга ваъда берганимдек санъатда ўз йўналишимни топдим деб ўйлайман. Бу ўзим ва олдимга қўйган мақсадим учун яхши натижа. Худо хоҳласа, ўқишни битириб олсам, ўзим танлаган йўналишда яхши натижалар кўрсатишимга ишонаман.



<u>— "Шарқ тароналари" сизга яна нима берди?</u>

— Энг муҳими, тажрибам ортди, хорижлик ҳамкасбларимиз билан фикр алмашдик. Гарчи бир-биримизга фестиваль доирасида рақиб жамоа бўлсак-да, муносабатларимизда рақиблигимиз ҳам ёддан чиқди. Айниқса, Корея, Тожикистон, Эстониядан келган ҳамкасбларимиз билан дўст бўлиб қолдик. Улар ўз юртида бўлиб ўтадиган танловларига бизни ҳам таклиф қиладиган бўлишди.

<u>— Бир кунда ижод учун қанча вақт сарфлайсиз?</u>

— Асосий вақтим ижод билан ўтади. Хабарингиз бор, ҳали талабаман. Устозларимиз талабчан. Ўқишдан уйга қайтсам, ота-онам билан яна ижод ҳақида суҳбатлашамиз. Ҳаётимнинг асосий вақтини ижодимни юксалтиришга сарфлаяпман.

<u>— Сиздан олдин "Шарқ тароналари" фестивалида юртимизнинг маҳоратли хонандаларидан Муножат Йўлчиева, Насиба Сатторова, Юлдуз Турдиева, Нодира Пирматова, раҳматли Дилнура Қодиржонова ва бошқа ёрқин истеъдодлар ғолиб бўлишган. Бу ижодкорларнинг санъати, йўналиши билан қай даражада танишсиз?</u>

— Юлдуз Турдиеванинг ижодига ҳавас қиламан. Таърифлаганингиздек, санъатда балиқдек эркин суза оладиган ўта иқтидорли хонанда. Дилнура Қодиржонова ҳақида дадам кўп сўзлаб берадилар. Архивимиздан қўшиқларини тинглаймиз. Дилнура Қодиржоновани ҳатто ўқитувчиларни ҳам ҳайратлантира оладиган тиниқ ва сокин овози бўлган экан. Фестиваль учун Ўзбекистоннинг юзини ёруғ қиладиган санъаткорлар танлаб олинарди, мен ҳам уларнинг сафида бўлганимдан жудаям бахтиёрман.

**Феруза РАҲИМОВА,**
**"Hurriyat" мухбири.**



Реклама ҳуқуқи асосида.

### Муқаддас каломлар

*Агар банда ёлғон сўзласа...*

Оиша (разияллоҳу анҳо) ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам)дан бит (Яманда тарқалган спиртли ичимлик) ҳақида сўраганларида, Расулуллоҳ: "Қайси бир ичимлик маст қилса, ўша ичимлик ҳаромдир", дедилар.

* * *

Анас (ибн Молик) ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: "Кимки икки етим қизни вояга етказса", ўша киши билан мен жаннатга баробар кираман".

* * *

Абу Ҳурайра шундай ривоят қилди: "Абдулқосим (саллоллоҳу алайҳи васаллам)дан эшитдим: "Оллоҳ таоло раҳмдилликни фақат бадбахтдангина тортиб олади", дедилар".

* * *

Аюб ибн Мусонинг отаси ўз отасидан эшитганини ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам): "Ҳеч бир ота яхши адабдан ва гўзал ахлоқдан кўра яхшироқ нарсани ўз фарзандига ҳадя қилмайди", деганлар.

* * *

Ибн Умарнинг айтишича, ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: "Агар банда ёлғон сўзласа, унинг бадбўй ҳидидан фаришталар бир мил масофага қочади".

* * *

Анас ибн Моликнинг ривоят қилишича, ҳазрат Расулуллоҳ (саллоллоҳу алайҳи васаллам) шундай деганлар: "Эй ўғлим, агар оиланг ҳузурига кирсанг, салом бер, сен учун ва оиланг учун барака бўлади".

**Абу Исо Термизийнинг "Саҳиҳи Термизий" китобидан.**

HURRIYAT
Mustaqil gazeta

Муассис: Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси

Бош муҳаррир
Абдурасул ЖУМАҚУЛОВ

Газета 2007 йил 3 январда Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлигида 0080 — рақам билан рўйхатга олинган.
Ҳажми 4 босма табоқ. Бичими — А-2.
*Баҳоси келишилган нархда*

*Таҳририятга келган хатлар доимий эътиборимизда бўлади. Мактубларингизни кутамиз.*

Адади: 4010
Буюртма — V-3766
1 2 3 4 5

Телефон: (0-371) 244-32-68, 244-32-91
Тел-факс: (0-371) 244-32-80
Реклама ва маркетинг бўлими:
(0-371) 244-32-88

Топшириш вақти — $20^{00}$
Топширилди — $21^{00}$

*Обуна индекси: якка обуначилар ва ташкилотлар учун — 233*

Манзилимиз: 100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Elektron manzil: gazhurriyat@mail.ru; info@uzhurriyat.uz

*Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва дизайнер А.Содиқов томонидан саҳифаланди.*

Навбатчи: Ю.Жўраев. Мусаҳҳиҳ: Ш.Убайдуллаева.

"O'zbekiston" НМИУ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.